

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК. 902.6+9.72 (584.4).

ФОРМАНОВ САМАНДАР ИСКАНДАРОВИЧ

ЕРҚЎРҒОН МЕЪМОРИЙ ИНШООТЛАРИ

5A220801 – “Археология” ихтисослиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАҲБАР:
тарих фанлари доктори
профессор Р.Ҳ.Сулейманов

Тошкент-2013.

Мундарижа:

КИРИШ	3-9
I-БОБ	Ерқўрғон Нахшаб воҳасининг қадимги маркази сифатида
1.1. Нахшаб воҳасининг қадимий ва илк ўрта асрлар даври умумий таснифи	10-19
1.2. Ерқўрғон ёдгорлигининг археологик ўрганилиш тарихи.....	20-29
II-БОБ	Ерқўрғоннинг қадимги ва илк ўрта асрлар меъморчилиги хусусиятлари
2.1. Мудофаа тизими (деворлари).....	30-49
2.2. Монументал иншоотлар (сарой, ибодатхона).....	50-59
2.3. Ишлаб чиқариш ва уй жой қурилиши.....	60-70
III-БОБ	Ерқўрғоннинг воҳа тарихида тутган ўрни
3.1. Ерқўрғон меъморчилиги тараққиёти динамикаси.....	71-80
3.2. Ерқўрғон меъморчилиги тараққиёти динамикаси.....	81-93
ХУЛОСА.....	94-98
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	99-109
ИЛОВА	

Кириш

Қашқадарё воҳасининг йирик шаҳри – қадимда Нахшаб ва Насаф номлари билан аталган бугунги Қарши тарихи Ўрта Осиёнинг энг кўҳна шаҳарлари - Самарқанд, Бухоро, Хива тарихи сингари қадимийдир. Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазилмалар, бизнинг кунимизгача етиб келган ёзма ёдгорликлар, турли асрларда барпо этилган меъморий иншоотлар ана шундан далолат беради. Дунёда 2700 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар кўп эмас. Вилоятнинг Қарши шаҳри (Насаф) ана шундай улуғ кечмишга эга.

Афсуски, милодий VIII асргача бўлган ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Воҳа тарихини юнон, хитой ва араб сайёҳларининг солномаларигина бир қадар ёритади. Хитойликлар Нахшабни “Нашебо”, Кешни “Ци-ши” деб ёзганлар. Араб тарихчилари Ибн Хавкал, Ибн Хурдодбех, Истахрий, Ёқут, Муқаддасий, Самъонийларнинг асарларида воҳанинг тарихи ва маданияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бор.

XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши омиллари ва асослари, уларнинг тараққиёт босқичлари, дастлабки цивилизациялар масалаларига бағишланган кўплаб илмий тўпламлар ва айрим монографиялар пайдо бўлди. Ушбу илмий тадқиқотларда М.М.Дьяконов, Б. А. Литвинский, Ю.А.Заднепорвский, В.М.Массон, С.Кабанов, Ю.Ф.Буряков, А.А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, И.В.Пьянков, Р.Х.Сулаймонов, А.С.Сагдуллаев, Т.Ш.Ширинов каби тадқиқотчилар Ўрта Осиё ҳудудларида бронза давридан бошлаб антик давргача бўлган шаҳарсозлик маданияти масалаларини у ёки бу томонини кўриб чиқиб, Ўрта Осиё ва дунё цивилизацияларини қиёсий ўрганишга ҳаракат қилдилар.

Истиқлол йилларида изланишлар миқёси анча кенгайди. Ерқўрғон, Қалъаи Заххоки морон, Шуллуктепа, Кўҳна Фазли харобалари ўтмишнинг жуда кўп сирларини ошкор этди. Археологик топилмалар натижасида Қашқадарё воҳасининг бир неча минг йиллик тарихи қайта жонланди.

Насаф ва Кеш жанубий сарҳадларга яқин шаҳарлар сифатида Македонияли Искандар ва араб истилочиларининг илк зарбасига дучор бўлган. Мўғуллар босқини даврида эса стратегик ҳудуд сифатида қароргоҳга айлантирилган. Тарих саҳифалари Ватан озодлиги учун курашчиларнинг жасоратлари ҳақидаги ҳикояларга тўла. Табиийки, босқинлар воҳа иқтисодий ва маданий ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатган. Олдинги асрларда бунёд этилган иншоотлар, санъат асарлари, китоблар йўқ қилинган. Аммо халқнинг бунёдкорлик қудрати яна янги мўъжизалар яратаверган.

Мустақиллик йилларида республикамиздаги қатор шаҳарларнинг – Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон, Қарши, Тошкент, Термиз – юбилейлари ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилгани, уларнинг бой маданий тарихга эга эканликларидан далолат беради.¹

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий шаҳарсозлик ва давлатчилик анъаналари бекиёс аҳамият касб этиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг қатор асарларида ўз аксини топган.² Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда илк шаҳарлар ва илк давлатлар тарихини, уларнинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари ва шаклланиш босқичларини холисона, ҳаққоний равишда яратиш мақсади белгиланган.

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охири ва биринчи минг йиллик бошларида Ўрта Осиёда турли қабилалар ва халқларнинг кенг кўламли кўчиши илк темир даврининг бошланиш даври сифатида ўрин олган. Бу даврда Ўрта Осиёнинг асосий тарихий-маданий ҳудудлари - Бақтрия,

¹ Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15.- Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.70.

² Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-Б.4.; Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.- Т.: Ўзбекистон.- 2003.- Б.57-58; Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “ Ўзбекистон”, 1997, 137 б.; Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998, 29-б.

Марғиёна, Сўғд, Хоразмда дастлабки шаҳарлар - деҳқончилик воҳаларининг марказлари пайдо бўлади.

Дастлабки шаҳарлар марказларининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш шаҳарлар тарихини ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар - аҳоли бир ерда зич жойлашган жой, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари марказлашган ҳудуд, маданий ва мафкуравий имкониятлар маркази, ўзига хос ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ вазифаларини бажарувчи йирик манзилгоҳлар сифатида изоҳланади.¹

Қадимги Сўғдиёнанинг жанубий ҳудудларида жойлашган Қашқадарё воҳаси қадимий шаҳарсозлик жараёнлари тизимига киради. Бу тизимда Қарши воҳасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Қашқадарёда милоддан аввалги биринчи асрнинг бошида иккита асосий воҳа - Қарши ва Шаҳрисабз воҳалари шаклланади. Юнон тарихчилари милоднинг IV асри охирида Қашқадарё водийсидаги иккита тарихий-маданий вилоят - Наутака ва Никшапа ҳақида маълумот бериб ўтадилар.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида «Ўзини узоқ ва бой ўтмиш давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўҳна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун, аввало, бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўп - кўп улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз авлиёларни ватани сифатида қадрли ва мукаррамдир»³ - деб таъкидлаб ўтадилар.

Сўғднинг қадимги шаҳарсозлик маданияти яқин йилларгача ноаниқликка эга бўлиб XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб қадимги

¹ Массон В.М. Городские центры раннеклассовых обществ // История и археология Средней Азии. Ашхабад, 1978. 20 б.

² Ртвеладзе Э.В., Буряков Ю.Ф., Сулаймонов Р.Х. Қарши. Т. «Маънавият». 2006. 34-35 б.

³ Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва максадидир. Т.15.- Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.70.

шаҳар типигаги йирик деҳқончилик манзилгоҳларида бири Қарши воҳасидаги Ерқўрғон ёдгорлигида мунтазам олиб олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида ушбу ёдгорликда мил. ав. IX-VII асрларга оид маданий қатлам аниқланди.

Қарши воҳасида сақланиб қолган Ерқўрғон шаҳар харобасида кейинги чорак аср мобайнида олиб борилган кенг кўламдаги археологик тадқиқот ишларининг натижаси Сўғдиёнада урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши, шакллари ва даври ҳамда воҳада урбанизация жараёни вужудга келиши масалаларини ойдинлаштирди.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари узоқ вақтлардан бери археологлар, тарихчилар, этнографлар диққатини тортиб келади. Уларнинг бир қисми ҳозирда емирилган шаҳар харобалари – археологик ёдгорликлар (тепа) шаклида сақланиб қолган бўлиб, ушбу харобалар остида кўҳна турар жойлар, ибодатхоналар, саройлар қолдиқлари яширинган. Иккинчи бир қисми эса ўз тараққиётида ривожланиш ва тушкунлик давларини бошдан кечириб ҳозиргача етиб келган ҳамда меъморларнинг ўлмас асарларини сақлаб қолган ҳолда узоқ ўтмиш воқеалари борасида ҳикоя қилади.

Ўрта Осиёдаги қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳар ва шаҳар типигаги манзилгоҳлар тарихини ўрганиш бошланганига 100 йилдан ошди. Бу даврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари шаҳар маданияти тарихига бағишланган монографиялар бўлимлари нашр юзини кўрди. Тўпланган материаллар Ўрта Осиё илк шаҳарлари тарихини янги методологик асосларда ўрганиш илмий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўзаро қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва Ўрта Осиё илк шаҳарлари тарихи бўйича барча мавжуд маълумотларни умумлаштириш долзарб ҳисобланади.¹

Қарши воҳасининг антик даврдаги энг йирик ва муҳим шаҳар ёдгорлиги Ерқўрғон очиб ўрганилдан сўнг, воҳанинг антик даврга оид археологиясини,

¹ Эшов Б. "Шаҳар" тарихий тушунчасини англаш ва уни ишлаб чиқишдаги илмий-услубий ёндошувлар // *Ozbekiston tarixi*. -2003.-№3. -Б.59.

меъморчилик усуллари ва уларнинг эволюцияси масалалари ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ерқўрғон меъморчилиги нафакат ўзининг янги шаҳарсозлик ғоялари, меъморчилик маҳорати, хашаматли иморатсозлиги, турли-туман қурилмалар яратилиши билан ажралибгина қолмасдан, у ўзидан кейинги давр воҳа меъморчилиги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатганлиги билан ҳам катта аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда мавжуд маълумотлар негизлари умуминтақавий урбанизация жараёнлари турли босқичларини қайта тиклашда улардан фойдаланиш имкониятларини беради. Буларнинг барчаси кейинги тадқиқотлар учун муҳим бўлиб, диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Қарши воҳасида археологик изланишлар бошлангунига қадар Ерқўрғон шаҳар ёдгорлигининг қадимги тарихи тўғрисида деярли маълумотлар йўқ эди. Қашқадарёда бундай археологик изланишлар олиб бориш фақат иккинчи жаҳон уриши тугагандан кейингина бошланди. 1946-1949 йиллари С.Кабанов Ерқўрғонда қазилма ишлари олиб бориб, шаҳар харобасининг жанубий-шарқий қисмида III-V асрларга оид кулолчилик хонадонни топади. Олим шаҳарнинг қуйи қатламларини билишга ҳаракат қилиб, у тахминан милoddан илгариги II – I асрларга оид бўлиши мумкин дейди.¹

1963-1966 йиллари Қарши воҳасидаги энг йирик шаҳар харобасини Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг М.Массон бошчилигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси ўрганди. Ушбу экспедиция изланишларининг натижаси сифатида вужудга келган М.Массоннинг «Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времён» номли китобида Қарши воҳасидаги Ерқўрғон ёдгорлигини Александр Македонский юришлари баён этилган юнон манбаларидаги Нахшаба шаҳри билан боғлайди.² Юнон тарихчиси Аррианнинг ёзишича, «милoddан аввалги 328 йили Македонскийнинг Кен,

¹Кабанов С. К. Археологические работы 1948 г. в Каршинском оазисе // Труды Института истории и археологии. Материалы по археологии и этнографии Узбекистана. – Ташкент, 1950. – С. 82-134.

² Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из раб. КАТЭ. 1965 – 1966 гг.). – Ташкент: Фан, 1973.

Кратер, Фратеферн ва Станазор каби лашкарбошлари ўзларининг отрядлари билан Нахшабага, Македонский олдига келишди. Бу пайтда қиш авжида эди. У қўшинларига Нахшаба атрофларига жойлашиб, дам олишга буйруқ берди».¹

В.М.Массон юнон манбаларида келтирилган Нахшаба айнан Ерқўрғон харобалари эканлигини ёзади. Аммо бу фикрни исботлайдиган манба йўқ эди. Буни фақат археологик қазилмалар олиб бориш билангина тасдиқлаш мумкин эди. Бундай имконият фақат 1973 йилда, ЎзРФА Археология институтининг Р.Сулаймонов бошчилигидаги экспедицияси Қашқадарё воҳасида иш бошлангандан кейингина амалга ошди. Экспедиция ишлари бошлангани билан қадимги қатламлар ёшини аниқлаш муаммоси турар эди. Бу даврга келиб Ерқўрғоннинг турли жойларида қазилмалар ўтказилиши натижасида ҳоким саройи ва қалъаси, шаҳар ибодатхонаси, даҳма, кулоллар ва темирчилар маҳаллалари каби шаҳар харобасининг илгари маълум бўлмаган қисмлари очилди. Шундан кейин ҳақиқатан ҳам Ерқўрғон Қарши воҳасидаги энг дастлабки пойтахт шаҳар эканлиги, у юнон манбаларида келтирилган Нахшаба, деган тўхтамга келинди. Нукуслик археолог М.Туребеков Ерқўрғоннинг ички ва ташқи мудофаа деворларини ўрганиб, ички деворни милоддан аввалги VI-Асрларга, ташқи деворни эса милодданнинг IV асрларига тегишли эканлигини аниқлади.² Р.Сулаймонов эса бу фикрларга қўшилган ҳолда ташқи мудофаа деворининг қурилишини милоддан аввалги II асрлар билан даврлаштирди.³

Академик Эдвард Ртвеладзе юнон тарихчилари келтирган Нахшаба ҳақиқатдан Кеш воҳасида бўлган, лекин Ксениппа шаҳри Қарши воҳасидаги Ерқўрғон ўрнида бўлган, дейди. Бундай дейилишига асосий сабаб, ўша ёзма манбаларда Нахшаба атрофларида тоғли ҳудудлар борлиги, аксинча

¹ Ртвеладзе Э. В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. Ташкент, 2004.

² Туребеков М. Раскопки бастиона внутренней крепостной стены Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 16. 1981. – С. 36-44.

³ Сулейманов Р., Исамиддинов М. Еркурган. Ташкент, 1984.

Ксениппа худуди кўпроқ чўл билан, яъни чорвадор аҳоли яшайдиган худудлар билан чегарадош эканлиги ҳақидаги маълумотлар эди.¹

Юқорида келтирилган олимларнинг изланишлари натижасида шаҳарнинг мелоддан аввалги VI-V асрларда қурилганлиги аниқланган эди. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Ерқўрғоннинг кулоллар маҳалласида қазилмалар олиб борилганда фақат бир-икки ерда мелоддан аввалги X-VIII асрларга оид қатламлар борлиги аниқланганди. 1998–1999 йили яна қазилмалар ўтказишга имкон туғилди. Шундан кейин 20 йил аввал ўрганилган қазилма бир метр кенгайтирилганда ундан илгари ҳеч ким билмаган, мелоддан аввалги VII асрларга оид қалинлиги 3 метр атрофидаги қалъа девори топилди. Бу девор шаҳарнинг асосий муҳофаа деворидан ичкарида бўлганлиги сабабли уни дастлабки ички муҳофаа девори, деб тахмин қилинди ва мана шу топилма Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тарихига эга эканлигини исботлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.²

Қарши шаҳрининг юбилеи муносабати билан Ерқўрғонни ўрганиш учун олиб борилган қазилмалар натижасида илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган ва ахамонийлар даврида қурилган деб тахмин қилинган муҳофаа девори остидан шаҳарнинг энг қадимги ва асосий муҳофаа девори топилди. Бу девор паҳсаси лентасимон қилиб 3 метр қалинликда кўтарилган ва кейинроқ ичкари томондан қўшимча лой билан мустаҳкамланиб, қалинлиги 7-8 метрга етказилган. Мелоддан аввалги VI-V асрларда янги девор қурилганда эскиси унга пойдевор вазифасини ўтайди, яъни янги девор эски, таъмирланган девор устидан кўтарилади. Шундай қилиб, Қарши шаҳрининг қадимги ва илк девори шу йили топилди.

Қарши шаҳри ҳақидаги яна бир муҳим маълумотимиз унинг энг қадимги номи тўғрисида. Биз юқорида келтирганимиздек, унинг номи кўп ўзгарган. Бундан бир-икки йил илгари исроиллик Шакет Шаул деган олим қадимги оромий ёзувларида Накшапайа деган ном борлигини аниқлаган. Агарда бу

¹ Ртвеладзе Э.В. Ксениппа - Перетака // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. М., 1981.

² Сулейманов Р.Х. Карши – Насаф – Нахшаб – в системе мировой цивилизации // «Роль города Карши в истории мировой цивилизации». Тез. докл. Международной конф., посв. 2700-летию г. Карши. – Т., 2006. – С. 59-64.

фикр кўпчилик томонидан тан олиниб исботланса, унда Қаршининг номи энг кадимги даврлардан бошлаб Накшапайа-Нахшаб-Насаф шаклида ривожланиб келганлиги маълум бўлади.¹

Илмий тадқиқотнинг мақсади. Ушбу ишнинг асосий мақсади, тарихий ва археологик таҳлилий услублар, кўп сонли илмий маълумотлар асосида янги талаблар ва долзарб тарихий муаммоларни ишлаб чиқиш мезонларини инобатга олган ҳолда Қарши воҳасининг қадимги даврига оид Ерқўрғон археологик ёдгорлигида амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида Сўғднинг қадимги даврига оид тарихи ва маданиятини чуқур ва холисона ёритиб беришдан иборат. Унда воҳа тарихини, хусусан, шаҳарсозлик маданияти масалалари, антик даврга оид меъморчилик усуллари, ҳашаматли иморатсозлиги, турар-жой иншоотлари, ижтимоий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, диний қарашлари уларнинг воҳа маданий ва иқтисодий тараққиётида тутган ўрни масалаларини атрофлича ўрганиш ва холисона ёритиб бериш масаласи асосий ўрин тутди. Бу маънода диссертация ишида археологик материаллар ва ёзма манбалар маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Илмий тадқиқотнинг вазифалари. Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- илк шаҳарларнинг тарихий-археологик ва ижтимоий белгиларини кўриб чиқиш;
- Қашқадарё воҳасидаги илк шаҳар марказлари ўрганилишининг асосий натижаларига баҳо бериш.
- Ерқўрғон археологик ёдгорлигида амалга оширилган археологик тадқиқот ишларини баён қилиш;
- Мазкур ёдгорликда олиб борилган стратиграфик ва топографик ишларнинг натижаларини баён қилиш;

¹ Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouvernement / Documents archéologiques du IV s. avant notre ère provenant de Bactriane. Paris, 2003.; Шакед С. Раннее упоминание о городе Нахшаб // «Роль города Карши в истории мировой цивилизации». Тез. докл. Международной конф., посв. 2700-летию г. Карши. – Т., 2006. – С. 34.

- Қарши воҳасининг урбанизация жараёнларида Ерқўрғон шаҳар ёдгорлигини тутган ўрнини очиб бериш;
- Воҳанинг ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий масалаларини ўрганишда меъморчилик, шаҳар структураси, фортификацияси, жамоатчилик ва ишлаб чиқариш иншоотларининг аҳамиятини кўрсатиш;
- Археологик тадқиқот натижаларида тўпланган материаллар асосида нашр қилинган илмий ишларни илмий таҳлил қилиш асосида шаҳарсозлик маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва диний масалаларни ёритиб бериш;
- Мустақиллик даврида Ерқўрғон шаҳар ёдгорлигида олиб борилган археологик илмий изланишлар натижаларини баён қилиш ва уларни янги илмий ғоявий қарашлар ҳамда методологик асосларда илмий таҳлил қилиш.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бакалавр – тарихчи талабалар учун “Ўрта Осиёнинг меъморчилик тарихи”, “Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари” фанларидан талабаларнинг курс ишлари, рефератлар ёзишларида, ҳамда Қашқадарё воҳаси бўлимларидан семинар ва мустақил таълим машғулотларига тайёргарлик кўришларида кенг фойдаланишлари мумкин. Диссертация материалларидан Олий ўқув юртлари ва ўрта мактабларда музейлар ташкил қилиш жараёнида халқимизнинг ниҳоятда бой тарихий-маданий меъросини тарғибот қилиш ва тарих мисолида маънавий-маърифий тарбия ишларида фойдаланиш мумкин.

Илмий тадқиқот янгилиги. Нахшаб воҳасининг қадимий ва илк ўрта асрлар даври умумий таснифи тўғрисидаги умумлашма маълумотлар илмий муомалага киритилган.. Унда Ерқўрғон ёдгорлигининг археологик ўрганилиш тарихи, Ерқўрғоннинг қадимги ва илк ўрта асрлар меъморчилиги хусусиятлари: муҳофаа тизими (деворлари), монументал иншоотлар (сарой, ибодатхона), ишлаб чиқариш ва уй жой қурилиши шаҳар ривожига билан ўзаро

боғлиқ жараёнлар, Ерқўрғон меъморчилиги тараққиёти динамикаси, Ерқўрғон ёдгорлигининг Нахшаб воҳаси қадимги ва илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлигида тутган ўрни, ихтисослашган хунаrmандчилик ишлаб чиқариш тараққиёти масалалари археологик тадқиқот ишлари натижасида тўпланган моддий манбалар асосида ёритишдан иборат.

Илмий тадқиқот объекти ва предмети. Қашқадарё воҳасининг қадимги даврида асосий шаҳарларидан ҳисобланган Ерқўрғонда амалга оширилган қазилар ишлари натижасида тўпланган маълумотлар, қадимги даври ёзма манбаларини солиштириш асосида шаҳарсозлик аҳамиятини ёритиб бериш тадқиқотнинг илмий таҳлил қилишнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг хронологик даври. Мавзунинг хронологик даври қадимги даврдан ўрта асрларгача, яъни мил.авв. I минг йилликдан мелодий VI аср давр оралиғида Қарши воҳасида пайдо бўлган илк шаҳар хусусияти уларнинг тараққиёт даражаси шаҳарсозлик структураси меъморчилиги, шаҳарлар ва шаҳар ёнидаги манзилгохлар муҳофаа иншоотлари билан белгиланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, 3 та боб, 7 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, иловалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 72 бетдан иборат.

I. БОБ. Ерқўрғон Нахшаб воҳасининг қадимги маркази сифатида

1.1. Нахшаб воҳасининг қадимий ва илк ўрта асрлар даври умумий таснифи

Қашқадарёнинг қуйи ҳудуди – Қарши воҳаси асосан паст текисликлардан иборат. Қадимда вужудга келган аҳоли манзиллари узани 310 чақиримни ташкил этадиган Қашқадарё бўйлаб тизилган. Бепоён чўлни кесиб ўтган якаю-ягона дарёнинг деҳқончилик учун қулай, сув чиқадиغان жойларида қадимда қишлоқлар пайдо бўлган. Ўтмишда суғорилиб деқончилик қилинадиган ерларнинг умумий манзарасида инсон қўли билан тикланган катта-кичик манзиллар харобалари бўлмиш тепалар, қадимда деҳқончилик қилинган ерлар тахминан 2000 кв. км. деб қаралади.

Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги қадимий ҳаёт излари Яхё Ғуломов, Аҳмадали Аскарлов ва бошқа қадимшунос олимлар томонидан текшириб ўрганилган. Зарафшон ва Қашқадарё қўшилиб оқадиган ерларда вужудга келган қадимий кишилик манзиллари тош асри, неолит ва бронза даврларига оид эканлиги далолат этади. Изланишлар натижасида неолит даврига оид 45 кум-тепадаги ва бронза даврига оид 30 дан ортиқ кишилик манзиллари аниқланган.

Қашқадарёнинг неолит замонларидан эътиборан Зарафшонга қўйилганлигини, унинг қуйи ўзанларидан қуйи Қашқадарё, шунингдек, Бухоро ерларининг бир қисми баҳраманд бўлганлигини, энг муҳими, бу жойларда эрадан олдинги 1 минг йилликда сунъий суғориш тармоқлари вужудга келганлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Қуйи Қашқадарёдаги жуда йирик сарҳадларда канал ва ариқларнинг бутун бошли тармоқлари мавжуд эканлиги далолати, шубҳасиз, бу ўлкада деҳқончилик маданияти юксак бўлганлигидан дарак беради.¹

Сунъий суғориш бобида Қарши воҳасининг ўтмишда ўзига хос анъаналари шаклланган. Қарши воҳасининг сунъий суғоришга асосланган

¹ Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура... С.. Ч

ўзлаштирилган ерда узоқ асрлар давомида деҳқончилик оғишмай давом этган. Нисбатан кичик ҳудудда шаҳарлар ва тепаларнинг зич жойлашуви ҳам сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик билан боғлиқ. Бу ҳудудда асрлар давомида шаҳарлар, қишлоқлар фақат сув билан, суғориладиган ерлар билан боғлиқ равишда, ўрни ўзгармаган ҳолда яшаб келган.

Қашқадарё воҳасининг илк темир даври ёдгорликлари (мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярми) Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари (Мурғоб, Зарафшон, Сурхон воҳалари, Амударё қуйи оқими ва бошқалар)га нисбатан кам ўрганилган. Илк темир даврига оид дастлабки ёдгорликлар С.К. Кабанов томонидан Танхоздарё ва Яккабоғдарёнинг қуйи қисмларидан топиб текширилган эди. 1972 йилларда З.И. Усмонова ва Х.Дуке томонидан Чимқўрғон сув омбори ҳудудида мил.авв. I минг йиллик бошлари ва ўрталарига оид қадимги манзилгоҳ қолдиқлари ва сопол идишлар топилди. Р.Ҳ. Сулаймонов ва М.Е. Исомиддиновлар томонидан эса Жанубий Суғднинг энг йирик шаҳар ҳаробаларидан бири Ерқўрғон ҳудудининг ўзлаштирилиши айнан сўнги бронзадан илк темир даврига ўтиш босқичида бошланганлиги аниқланди¹. Тадқиқотлар давомида Қашқадарё қуйи қисмида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши жараёнининг илк темир давридан антик ва илк ўрта асрларгача бўлган босқичлари хронологик жиҳатдан аниқланди.

Қашқадарё воҳаси ҳақидаги илк хабарлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да учрайди. “Авесто” матнларининг энг қадимийлари милодга қадар бўлган IX – VIII асрларга оид бўлиб, у тўла равишда милоднинг IV асрларида ёзиб олинган. Оташпарастлик динининг илоҳий матнлари мажмуаси милодгача бўлган IX асрлардан то янги милоднинг III – IV асрларига қадар ёзилган, тўлдирилган ва тўпланган. “Авесто”да Бохтар ўлкаси (Сурхондарё ва Афғонистоннинг шимолий қисми),

¹ Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998, 45 б.

Суғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари).¹ Мил.ав. IV асрда юнон тарихшуноси Арриан ва римлик Курций Руф Қашқадарё ҳудудида учта вилоят – Наутака, Ксениппа ва Габаза ҳақида маълумот беришади.²

Наутака ва Ксениппа кўпчилик тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра Ўзбекистоннинг жанубий вилояти ҳисобланган Қашқадарё воҳасида жойлашган.

“Ўзбекистон тарихи манбалари” китобини тузган олим Б.В. Лунин “Навтоқ”қа: “Ҳозирги вақтда Нахшаба (Наутака) харобасини Марказий Осиёнинг энг катта шаҳарларидан бири – Ерқўрғон деб қарашга барча асослар етарли, чунки унинг ўрнида антик давр Сўғд шаҳрига хос бўлган маданий қатламлар сақланиб қолган”³, деган изоҳни беради. С.К. Кабанов Наутакани ҳам Ксениппани ҳам шаҳарлар тарзида эмас, вилоятлар сифатида қарайди. С.К. Кабанов фикрига кўра Наутака воҳанинг юқори қисми, Ксениппа эса қуйи қисми, яъни Ксениппа – Нахшоб (Қарши), Наутака эса Кеш (Шаҳрисабз)га тўғри келади⁴. М.Е. Массоннинг фикрича, Ксениппа воҳанинг юқори қисми, Наутака –вилоятнинг қуйи шаҳри Ерқўрғон харобаси ўрнига тўғри келади деб қайд этади.⁵ Академик Э.В. Ртвеладзе Ерқўрғон шаҳрини юнон манбаларидаги Бранхитлар шаҳри билан айнанлаштиради⁶. Ўша даврда зарб этилган “бронза давридаги ҳукмдор тасвири”⁷ орқали бунини изоҳлашга ҳаракат қилади. III – IV асрлардан то VIII асргача бўлган “Нахшаб” ҳамда “Кеш подшоси” тангалари Ерқўғон шаҳрининг ўша даврда Кеш мулки тасарруфида бўлганлигини кўрсатади.

Қарши воҳасида кейинги йилларда ўтказилган археологик қидирув, қазув тадқиқотлари натижасида Сўғд тасарруфидаги бу маданий ҳудуднинг яхши ўрганилмаган тарихий даврлари антик ва ўрта асрлар тарихига оид муҳим янгиликлар қилинди.

¹ Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006, 105-б.

² Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998, 116.

³ История Узбекистана в источниках. Под. Редакции Лунин Б.К., Т., 1984, с. 92.

⁴ Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшаба. Т., “Узбекистон”, 1988, с. 37.

⁵ Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006, 107-б.

⁶ Ртвеладзе Э.В. Этюд по исторической географии Бактрии и Согдианы во время похода Александра Македонского / ВДИ 2000, №4, с. 104 – 112.

⁷ Кабанов С.К. Нахшебские монеты V –VI вв. // ВДИ. 1961, №1, с.137 -144.

Қашқадарё жанубидаги қадимий ёдгорликларни муфассал текшириб ўрганган С. К. Кабанов Қарши ва унинг теvarак-атрофида ҳисобга оlingан, саналанган йирик шаҳар, қўрғон ва кичик манзиллар сони 123 та эканлигини айтиб ўтади. Унинг кўрсатишича, бу ҳудудда катта - тепаликлар (вақтида йирик кишилиқ манзиллари) қўрғонлар, қишлоқлар бўлган жойларнинг умумий сони 300 дан ошади.¹

С. К. Кабанов Қашқадарёнинг қуйи қисмида ўтмишда вужудга келган аҳоли манзилларини уҳта даврга бўлади. 1. Қадимий шаҳар ва қишлоқлар, булар V-VI асрга қадар бўлган даврда вужудга келган. 2. Қадимий, ўрта асрлар қатлами билан қопланган, аҳоли манзилининг кенгаймаган кўринишига эга бўлган шаҳар ва қишлоқлар. 3. Қадимий, ўрта аср қатламлари билан қопланган, аҳоли манзилининг кенгайиши билан изоҳланадиган ўрта аср шаҳарлари ва йирик қишлоқлари.

М. Х. Исомиддинов ва Р. Х. Сулаймоновлар «Ерқўрғон» номли рисоласида (1984 йил) Қарши теграсидаги қадимиятга тааллуқли ёдгорликлар сонини қуйидагича кўрсатадилар: «Қарши водийси ўзининг нисбатан унча катта бўлмаган ҳажмига қарамай, археологик ёдгорликларга фавқулодда бойлиги билан ажралиб туради, булар қадимий ва ўрта аср қишлоқлари, қасрлар, шаҳарлардир. Бугунги кунда воҳада уларнинг 400 дан ошиқроғи топилган бўлиб кўпчилиги ўрта асрларнинг кенг санавий қамровига мансубдир».²

Антик даврда (мил.авв. IV асрнинг охири – милоднинг IV асри) Ўзбекистоннинг жанубий ўлкаси бўлмиш Қашқадарё воҳаси аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ бир қатор муҳим ўзгаришлар рўй беради.

Шаҳарларнинг тараққий қилиши, савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини янада кучайган. Ижтимоий тузумдаги ўзгаришлар манзилгоҳларнинг айрим

¹ Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III – VII вв. н. э.). Т. “Фан”.1977.

² Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Ерқурган.....с.

турларида, хусусан, йирик мустаҳкамланган деҳқон қўрғонларининг вужудга келишида ҳам ўз ифодасини топадики, улар кўп оилали жамоалар аҳамиятининг ошиши ва катта ерларнинг уларга бирикишидан далолат беради. Улар билан бир қаторда кичик уй-қўрғонлар ва алоҳида жойлашган манзилгоҳлар ҳам мавжуд бўлиб, улар оддий жамоа аъзоларига тегишли бўлган. Шаҳарларда хунармандчиликнинг янада чуқурроқ ихтисослашув жараёни давом этган.

Қашқадарёнинг қуйи қисмида эрага қадар бўлган IX-VIII асрларда оид шаҳарлар жумласига кирган Ерқўрғон орадан икки-уч аср ўтиб, йирик ва тараққий этган шаҳарга айланади.

Қашқадарё вилоятининг жанубида эрага қадар бўлган, I асрларда вужудга келган йирик аҳоли манзилларидан бири. Заҳоки Марон қалъасидир. Заҳоки Марон қалъаси Нахшабнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, марказга қараб кўтарилиб борадиган учта айлана баландликдан иборат. Заҳоки Марон қалъаси қаср ва мустаҳкам истехкомга эга бўлган. Қалъанинг ташқи айлана девори кенглиги 30 м га етади, Баландлиги эса 7 м бўлган. Қаср ёдгорликнинг ўртасида бўлиб у ҳам тўрт бурчак режага эга, ер сатҳидан 14 м баландликда жойлашган. Ички деворнинг шимолий қутбида қасрга элтадиган кўтарма сақланиб қолган. Заҳоки Марон қалъаси, дастлаб қасрдан ва уни ўраб турадиган девордан қарийб 70 м узоқда улуғвор ташқи девор қурилган. Сўнгра эса, ана шу қалин ташқи девор ичкарасида уй-жойлар тикланган. Заҳоки Марон қалъаси пахса ва хом ғиштдан турли даврларда қурилган биноларга эга. Бирок, деворларга ишлатилган ғиштлар унинг эранинг биринчи асрларида, яъни кушанлар даврида вужудга келганлигини аниқлаш имконини беради. Заҳоки Марон қалъаси водийда нисбатан тўлароқ сақланиб қолган қадимий қаср вайронаси ҳисобланади.

Заҳоки Марон қалъаси Қашқадарёнинг қуйи қисмида эрадан аввалги I асрларда вужудга келган йирик манзил сифатида узоқ замонлар яшади.

1.2. Ерқўрғон ёдгорлигининг археологик ўрганилиш тарихи

Ерқўрғон Қашқа воҳасидаги энг қадимий кишилиқ манзилларидан бири сифатида археолог олимлар диққатини фақатгина урушдан кейин, 40-йиллар сўнгида жалб эта бошлади. Чор Россияси археологияси бу воҳада ўтмиш обидалари ниҳоятда кўп бўлишига қарамай, узоқ йиллар давомида уни эътибордан соқит қилиб келди. Ўлка босиб олинганидан қарийб ярим аср кейин, 1916 йилда Қарши воҳасига Туркистон археолог хаваскорлари тўғарагининг аъзолари Л. А. Зимин ва И. Кастанье қадам қўйди. Қадимшунослик хавасмандларидан И. Кастаньенинг «йирик қадимий шаҳар харобаси» хусусидаги ахбороти ҳали жўда юзаки кузатувлар натижаси эди. Бироқ, Л. А. Зиминнинг мулоҳазаларида ёзма манбаларга мурожат қилиш, Ерқўрғонга туташ бўлган Нахшаб тарихини ёритишда уларга таяниш кўзга ташланиб туради. 1916 йилги ташриф фан оламига Ерқўрғон ҳақида биринчи ахборот бериши билан аҳамият касб этади.

1946 -1948 йилларда Республика Фанлар академиясининг тарих ва қадимшунослик институти Қарши теварак-атроф туманларида дастлабки текширув - тадқиқот ишларини ўтказди. Қисқа фурсатда Қашқа воҳасининг қуйи қисмида 70 га яқин ёдгорлик ҳисобга олинди ва тадқиқ этилди. Илк текширув ишлари Кожартепа, Мудинтеда ва Ёрқўрғон шаҳарчаси харобаларида ўтказилди.

1946-1948 йилларда Республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институти аъзолари Қарши воҳасида қазув-текширув ишларини ўтказишади. Бу даврда Қашқадарё заминидаги қадимий обидаларни маълум даражада жадаллашувига бу воҳада амалга оширилиши мўлжалланаётган суғориш билан боғлиқ, улкан режалар ҳам сабаб эди. 1946 йилда арик ва анҳорлар қазилиши кўзда тутилган жойлардаги археологик ёдгорликларни тезкор текшириш ва аниқдаш учун А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум сафарбар этилади. Эски Ангор каналини ўрганиш билан боғлиқ равишда А.И.Тереножкин Ерқўрғон ҳудудида текширувлар ўтказди. Шаҳар ҳудудида

илк қазилма ишлари 1950 йилда С.К.Кабанов томонидан амалга оширилди. 1960 йилда КАТЭ аъзолари шаҳарни синчиклаб ўргандилар. Экспедиция аъзоларининг фикрича, Ерқўрғон Қарши воҳасининг қадимий пойтахти бўлиб, милоддан аввалги I асрда вужудга келган.

1973 йилда Ўзбекистан ФА тарих ва археология институти Қашкадарё экспедицияси аъзоларининг Ерқўрғон шаҳрида олиб борган кенг қазилма ишлари шаҳар қурилиши ва археологик ёдгорликларини давраштириш, шаҳарда топилган маданий қатламлар санасини аниқлаш имконини берди.

1973-1974 йилларда Ерқўрғоннинг кулоллар маҳалласининг шимолида иккита хона ва унинг жанубийғшарқий қисмида битта хона очиб ўрганилди.¹ 1982 йили кулоллар маҳалласида 1973-1974 йиллари олиб борилган қазув ишлари кенгайтирилди. 1974 йили К. Собиров томонидан Ерқўрғоннинг ички муҳофаа деворларида қазув ишлари олиб борилди. Девор кесимида олиб борилган қазув ишлари натижалари шуни кўсатадики, илк девор пойдевори эраизгача I –минг йилликларни ўрталарига тўғри келган. Деворнинг юқори қисми эраизнинг I –минг йилликларни ўрталарига тўғри келган. 1975 йилда девор пойдеворида 5 та қазув майдончалари туширилади.² 1975-1977 йилларда Р. Х. Сулейманов томонидан Ерқўрғоннинг меъморий қурилиши, унинг эволюцияси ва моддий-маданиятидаги узвийликни аниқлаш масалаларини ойдинлаштириш учун қазув ишларини олиб боради.³

1980 йилга қадар бу кўҳна шаҳарчада қўлга киритилган натижалар жуда самарали бўлди. Шу йиллар ичида олтига қўламли қазув ишлари ниҳоясига етказилди.

1999 йилда амалга оширилган қазилма ишлари чоғида ички шаҳар ҳудудидаги кулоллар маҳалласида, 13-сонли қазилмада, энг қуйи қатлам

¹ Исамиддинов М., Хасанов М. К вопросу о специализации ремесленного производства Древнего Согда (по материалам Еркургана). ИМКУ. 24

² Сулейманов Р. Х., Туребеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана. ИМКУ. Вып. 14. т. 1978. с.60

³ Сулейманов Р. Х., Исхаков М., Туребеков М., Нефедов М. Раскопки на городище Ер-Курган. АО, 1975 г.. М.. 1976. с. 537

даражасида 3 метргача қалинликдаги ўша вақтда бузилган янада қадимийроқ ҳимоя девори қолдиқлари очилди.

2006 йили Ерқўрғоннинг ички муҳофаа деворини қазиб вақтида ЎзР ФА Археология институтининг илмий ходими Муҳаммадjon Исомиддинов милоддан аввалги VI-V асрларга оид девор остидан ҳам ғишт аралаш пахсадан қурилган қадимий шаҳар деворлари қолдиқларини топди. Бу энг кўхна шаҳар девори бўлиб, Самарқанд Афросиёбининг, Челақ қишлоғи яқинида жойлашган Кўктепа ва Узунқирдаги Кешнинг илк шаҳар деворларига оид барча конструктив хусусиятларини такрорлаб ўтади, санаси милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Бу топилма ўша даврда Суғдда Зрафшон ва Қашқадарё водийларидаги асосий деҳқончилик воҳаларида йирик шаҳар марказларини бунёд этиш имконига эга қудратли давлат мавжуд бўлганидан далолат беради. Қасрни тадқиқ этган. Р. Сулаймонов ва Н. Ю. Нефедовлар мажмуани қазиб давомида қўлга киритилган ашёлари Ерқўрғоннинг III—V асрлар билан белгиланадиган сўнгги қурилиш даврининг гуллаб-яшнаган пайтида вужудга келган ва амалда бўлган¹ деган хулосага келадилар. Нахшаб қўрғонини ўрганган М. Турабековнинг фикрича, шаҳарнинг энг мустаҳкам қудратли истехком биноларидан бўлган қургон эрага қадар бўлган I аср ва янги эраминг I асрлари оралиғида қурилган. Қўрғонда кейинчалик амалга оширилган қўшимча қурилишлар эранинг IV асрларига оиддир. Қўрғон шаҳар сифатида то VI асрга қадар фаолият кўрсатган.²

¹ Нефедов Н.Ю. Жилая застройка Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 18. 1983.

² Туребеков М. Цитадель Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. 1982. Вып. 17. Ташкент, 1982. С. 50.

II. БОБ. Ерқўрғоннинг қадимги ва илк ўрта асрлар меъморчилиги хусусиятлари

2.1. Мудофаа тизими (деворлари)

Қарши воҳасининг қадимий пойтахти - Ерқўрғон шаҳристони ҳозирги Қарши шаҳри Шайхали маҳалласидан икки километр шимолда жойлашган тупроққалъа бўлган. Ерқўрғон ҳудудиди турли ҳажмдаги тепаликлар билан қопланган бўлиб, улар собиқ шаҳар вайроналаридир. Энг йирик тепалик ҳукмдор саройи эканлиги аниқланган. Шунингдек, қазув ишлари мобайнида шаҳар ибодатхонаси, мақбара, зардуштийлик даҳмаси, ҳунармандлар маҳаллалари топилган. Ерқўрғондаги шаҳар тахминан VI асрнинг иккинчи ярмида Турк хоқонлиги ва Сосонийларнинг бирлашган кучлари томонидан эфталлийлар давлатини яқсон қилиш пайтида вайрон қилинган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида шаҳар кенгая боради. Тахминан милоддан аввалги VI асрда қурилган янги мудофаа деворининг баландлиги 8 м., пойдевори 3 м. кенгликда бўлган. Девор шаҳарни сак чавандозларидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган. Вақт ўтиши билан у бир неча марта таъмирланган ва кенгайтирилган, VI асрнинг ўрталарига келганда, унинг қалинлиги 20 метрга етган.¹

Юқорида тилга олинган тарихий манбаларда Ерқўрғоннинг номи тилга олиниб, шаҳар ҳунармандчилиги билан боғлиқ айрим маълумотлар берилган бўлсада, шаҳарнинг ички тузилиши, пайдо бўлиши ва кенгайиши ҳамда ривожланиш босқичлари, мудофаа тизимлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар берилмаган. Бу маълумотларни фақатгина археологик тадқиқотлар натижасида олиш мумкин. Ерқўрғон ёдгорлиги Қарши воҳасидаги энг қадимги, йирик иқтисодий, ҳам сиёсий марказ ҳисобланади. Ерқўрғон ёдгорлиги бирин-кетин келган иккита мудофаа деворлари билан

¹ Сулеймонов Р.Х. Древний Нахшаб ; Тошкент: Фан. 2000. 26-бет

ўраб олинган. Ички мудофаа девори йирик бешбурчак тарзида қурилган бўлиб, 34 га ерни эгаллаган.¹

Ички мудофаа деворининг марказий қисмида шаҳар ибодатхонасининг харобалари атрофдаги бошқа иморатларнинг қолдиғидан ажраб туради. Ички мудофаа девори ҳудудининг шимоли-шарқий қисмидаги бурчакда шаҳар қалъаси, бироз ғарброкда эса, шаҳар ҳокимининг саройи комплекси ажралиб туради.² Ички шаҳарнинг ғарбий қисмида шаҳарнинг мудофаа деворига параллел равишда ясси тепалик ястаниб ётади. Унинг умумий узунлиги 600 м дан кўпроқни ташкил қилса, эни 200 м. ташкил қилади. Бунчалик катта майдондаги тепа бир нечта алоҳида тепачалардан иборат эканлиги кўриниб турибди. Бу тепаларнинг турли қисмларида солинган унчалик йирик бўлмаган қазилмалар бу ердаги ҳаётни илк темир давридан буён давом этиб келганлигини ва бу ердаги ҳаёт милодни V-VII асрларига қадар давом этганлигини кўрсатди. Милодни биринчи асрларидан бу тепаларнинг ўрнидаги маҳаллаларда ҳунарманд кулоллар оилалари билан яшаганликлари аниқланган.³

Қадимги шаҳарнинг мудофаа деворларида солинган қазилмалар ички мудофаа деворини милоддан илгариги VI-V асрларда, ташки мудофаа девори эса, милоддан илгариги III-II асрларда қурилганлигини кўрсатади.⁴

1999 йилда Ерқўрғоннинг 13 қазилмасидаги ишлар яна қайта бошланди. Айнан шу қазилмада ўтказилган ишлар фавқулотда яхши натижаларга эришишимизга сабабчи бўлди. Ҳамма гап шундаки, бу қазилмада қурилиш даври анча қадимги даврларга милоддан илгариги VII

¹ Исомиддинов М.Ҳ. Қарши воҳасидаги урбанизацион жараёнлар ва илк суғд шаҳарларининг асосий типлари //Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида Жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қарши. 2011. 3-4 бетлар

² Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Ташкент. Фан. 1973. с.11-12.

³ Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). Ташкент. Фан. 1984. с. 9; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII вв. до н.э. - VII в. н. э. Самарканд-Ташкент. Фан. 2000. с. 24-26.

⁴ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII вв. до н.э. - VII в. н. э. Самарканд-Ташкент. Фан. 2000. с. 24-26.

асрларга оид булган мудофаа деворлари топилди.¹ Бундан шу нарса кўринадики, Ерқўрғон ёдгорлигида ҳам аҳолининг асосий турар жойлари алоҳида бошқа девор билан ўраб олинган. Яъни, бу ерда ҳам қадимги турар-жой макони Сўғднинг бошқа қадимги шаҳарлариникига ўхшаб икки қисмдан “диний-илоҳий марказ” ва “ҳукмдор қароргоҳи”дан иборат бўлган.²

Худди шундай ҳолатни Кўктепа, Афросиёб, Узунқир ёдгорлигида (Подаётоктепа ва Сангиртепада билан бирга) ҳам кўриш мумкин. Бу ёдгорликларда ҳам турар-жой маконлари йирик мудофаа деворлари билан ўраб олингунга қадар шаҳарлар “диний-илоҳий марказ” ва “ҳоким қароргоҳи”дан иборат бўлган. Яъни “диний-илоҳий марказ” ҳам, “ҳоким қароргоҳи” ҳам алоҳида, мустақил мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлган.³

Марказий Осиё жанубидаги мил.авв. I минг йиллик ўрталарига оид бир қатор ёдгорликларда ўтказилган тадқиқотлар уларнинг қурилишида ўзгача жиҳатлар устунлик қилганлигини кўрсатади. Дастлаб уларнинг кўпчилиги қалин деворларга эга бўлган. Деворлар ташқи қирралари қияроқ шаклда бўлиб, деворлар мустаҳкамлигини оширган. Деворнинг ташқи томони бўйлаб ўтган мустаҳкам ҳандақ ҳам худди шу вазифани бажарган. Бундай тузилишга эга бўлган деворлардан фақат бир тизим – девор юқори қисмидан туриб ўқотишга асосланган мудофаа амалга оширилган.

Илк темир даври Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм, Парфия, Марғиёна ва Фарғонада Олтиндилёр, Қизилтепа, Ерқўрғон, Узунқир, Афросиёб, Кўктепа, Эркқалъа ва бошқалар каби ҳимоя деворлари билан ўраб олинган йирик шаҳар марказлари шаклланади. Уларнинг тараққий этиши иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий ва маданий омиллар билан боғлиқ эди. Шаҳарлар туман-

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII вв. до н.э. - VII в. н. э. Самарканд-Ташкент. Фан. 2000. с. 24-26.

² Исомиддинов М.Х. Қарши воҳасидаги урбанизацион жараёнлар ва илк суғд шаҳарларининг асосий типлари //Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида Жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қарши. 2011. 4 б.

³ Исомиддинов М.Х. Қарши воҳасидаги урбанизацион жараёнлар ва илк суғд шаҳарларининг асосий типлари //Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида Жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қарши. 2011. 4 б.

воҳалар, айрим вилоятлар марказлари, шунингдек, харбий-маъмурий, хунармандчилик ва савдо марказлари вазифаларини бажарганлар.

Антик даврда Марказий Осиё жанубидаги бир қатор йирик шаҳар марказларининг деворлари ўз даври меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирландики, бу уларнинг муҳофаа имкониятларини янада оширади.

Жанубий Сўғддаги маданий-иқтисодий марказлардан бири бу Ерқўрғондир. У кудратли муҳофаа тизими ва аниқ режага асосланиб икки қатор муҳофаа девори билан ўралган. Ички муҳофаа девори 40 га, ташқари муҳофаа девори 150 га майдонни ўраб олган. Ерқўрғоннинг цитадели ҳам муҳофаа девори, муҳофаа буржлари ва шинаклар билан кучайтирилган.

Манзилгоҳнинг қуйи қатламида мил. ав. VIII-VII асрларга оид уй-жой ва хўжалик иморатларининг ўрни аниқланган. 1984-1987 йилларда Ерқўрғон шаҳар ёдгорлигининг биринчи муҳофаа деворларида археологик қазишма ишлари олиб борилади. Р.Х. Сулеймановнинг тадқиқотлари натижасида биринчи муҳофаа деворида 4 босқич қурилиш даври кузатилади ва бу даврлар эр. ав. VII-VI асрлар билан белгиланади. Бу қазилмалар Ерқўрғоннинг ички деворининг ғарбий кесимида давом эттирилади.

Биринчи муҳофаа деворининг кенглиги 4 м, баландлиги 1,3 м бўлиб пахсадан қилинган тағзамин (платформа) устида хом ғишт билан тикланган. Ђиштлар 30х40х8-9, 36х48х9, 52х48х10 см ҳар хил ўлчамни ташкил этган. Деворнинг асоси репер нуқтадан 930 см чуқурликда кузатилган. Шунга ўхшаш девор қолдиқлари Ерқўрғоннинг №13 қазув майдончасида ҳам очиб ўрганилган. Унинг кенглиги 3,5 метрни ташкил этган. Деворни санаси унинг фасад қисмида учрайдиган хўжалик ташландиқлар орасида топиб ўрганилган сопол буюмлар асосида аниқланган. Биринчи давр девор қолдиқлари тагидан 10 тага яқин сопол буюмлар топиб ўрганилади.

Иккинчи муҳофаа девори биринчи муҳофаа деворининг устидан қурилади. Иккинчи девор аввалгисида мустаҳкам ва қалин қилиб тикланган. Деворнинг асоси лой чаплаган қатламдан иборат бўлиб, унинг устидан 36-

38x8-9 см ўлчамли хом ғишт терилган. Хом ғишдан кейин пахса урилган ва унинг устидан уч қатор яна 50-48x9-12 см ўлчамли хом ғишт терилган.

Ерқўрғоннинг №9-казув майдончасида ташқи девор ва унинг ярим доира шаклидаги минораси ўрнини аниқлаш имконини беради. Девор остидан эрага қадар бўлган I минг йиллик ўрталарига мансуб сопол буюмлари топилади. Деворнинг пахсадан тикланган қатламлари нисбатан кейинги асрларга тааллуқли бўлиб, кўпинча таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Топилган сопол буюмларга қараб, ташқи деворнинг амалда бўлиш даврини III-V асрлар деб аниқлашга муваффақ бўлинади. Нахшаб шаҳри ёнидан ката канал олиб ўтилиши муносабати билан ташқи деворнинг жанубий дарвозаси атрофи ҳам текшириб кўрилади. Натижада дарвоза олдида қоровуллик хизмати билан боғлиқ бинолар мажмуи мавжуд эканлиги аниқланади. Бу бинолар ҳам ташқи деворнинг қурилиши билан айна бир вақтда вужудга келади. Бу бинолардан асосан V асрга оид қулолчилар ашёлари қолдиқлари топилади.

2006 йил Ерқўрғоннинг ички мудофаа деворини қазиб вақтида ЎЗР ФА Археология институтининг илмий ходими Муҳаммаджон Исомиддинов милоддан аввалги VI-V асрларга оид девор остидан хом ғишт аралаш пахсадан қурилган қадимий шаҳар деворлари қолдиқларини топди. Бу энг кўхна шаҳар девори бўлиб, Самарқанд Афросиёбининг, Челак қишлоғи яқинида жойлашган Кўктепа ва Узунқирдаги Кешнинг илк шаҳар деворларига оид барча конструктив хусусиятларини такрорлаб ўтади, санаси милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Бу топилма ўша даврда Суғдда Зрафшон ва Қашқадарё водийларидаги асосий деҳқончилик воҳаларида йирик шаҳар марказларини бунёд этиш имконига эга қудратли давлат мавжуд бўлганидан далолат беради.

Қашқадарё экспедициясининг илк қазилма ишларидан шу нарса аниқланадигани, шаҳарнинг ички девори эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган узунлиги 0,5 метрли тўғри бурчакли хом ғишдан девор тиклаш ана шу даврларга хос хусусият эди. Бу деворга туташ қатламлардан

эрамиздан аввалги I минг йилликларга мансуб сопол идишлар топилди. Бироқ бу қадимий шаҳар ҳудудида қазилган алоҳида қазишмалардаги текширувлар ундан далолат берадики, бу девор тикланишидан анча аввал - илк темир даврида ҳам бу ерда деҳқон жамоалари яшаган, Ўрта Осиёнинг бу ўтроқ аҳолиси сопол идишларни кулолчилик чарҳида эмас, балки қўлда яшашган, пиширишдан олдин улардаги учбурчак, зиг-заг ва занжирли безак қаторларини қизил ҳамда жигарранг бўёқлар билан жилолашган. Пиширилгандан сўнг бу идишлар жуда чиройли кўриниш олган. Бундай турдаги идишлар Сўғдиёна ҳудудининг Самарқанд воҳаси ва қадимги Кешдан ҳам топилган бўлиб, одатда улар эрамиздан аввалги IX—VII асрларга тўғри келади.

Милоддан аввалги дастлабки асрларда Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар кенгайтирилган ҳамда деярли 150 гектарлик майдонни қамраб олувчи ташқи девор билан ўраб олинган. Ерқўрғоннинг ташқи девори ички йўлкаларга эга мустаҳкам муҳофаа иншооти бўлиб, унинг ҳудудида ҳар 60 метрдан сўнг тўпхоналар ёки буржлар ўрнатилган.

Ерқўрғоннинг эрамиздан олдинги VII-VI асрларида ясалган сопол буюмлар топилган маданий қатламидан 1999 йилнинг кузида қалинлиги 3 метрдан ошиқ бўлган маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди. Девор баландлигининг 2 метрдан ортиқроқ қисми омон қолган ва кулоллар маҳалласининг биринчи асрларга оид қатламлари остида кўмилиб кетган. Бу девор Ерқўрғоннинг эрамиздан аввалги VI асрларда қурилган, бугунга қадар сақланиб қолган ички деворига параллел равишда тикланган. Шуни айтиш мумкинки, кулоллар маҳалласи ичкарасидан топилган бу девор дастлабки даврларда Ерқўрғоннинг истеҳкоми вазифасини ўтаган, бироқ шаҳар ҳудуди кенгайиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган ички девор қурилгандан сўнг эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда қурилган эски девор ноқулайлик туғдиргани учун бузиб ташланган ва унинг тупроғидан шаҳар кулоллари буюмлар яшаш учун фойдаланишган. Кулоллар томонидан эски шаҳар деворлари қолдиқларидан хом ашё сифатида фойдаланиш ҳоллари

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраб туради. Хуллас, эрамиздан аввалги VIII-VII асрлардаёқ Ерқўрғон мудофаа девори билан қўршаб олинган илк шаҳар сифатида шаклланиб бўлган¹.

¹ Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари.- Т.: Маънавият, 2004.

2.2. Монументал иншоатлар (сарой, ибодатхона)

Нахшаб шаҳрининг асосий маҳобатли иморатларидан саналмиш қаср ҳам мавжуд бўлган. Нахшаб ҳукмдорининг қасри деб аталадиган бу иморат Нахшаб ички шаҳарчасининг мудофаа деворларига яқин жойда, шимолий тарафда ўрнашган. Қаср икки марта қайта қурилган. Қадимшунослар қўлга киритилган сопол буюмлар «ёши»га қараб қасрни ҳам ибтидосини белгилаганлар. Унинг санаси III-V асрлар деб қаралади.

Қасрнинг асоси нихоятда кучли - 10 м тағзаминга эга. Бу жойда меҳмонларни қабул қилиш учун мўлжалланган улкан хона алоҳида ажралиб туради. Қасрга туташ мурабба шаклидаги хона олов ёқиш - топинишга ажратилган. Чамаси, қаср соҳиблари эътиқод билан боғлиқ расм-русумларни сарой ҳузуридаги мўъжаз оташкадада амалга оширган бўлсалар керак. Шу тариқа, қаср тантаналар қилишга мўлжалланган ҳайбатли маъмурий бино бўлган. Қасрни тадқиқ этган. Р. Сулаймонов ва Н. Ю. Нефедовлар мажмуани қазиб давомда қўлга киритилган ашёлари Ерқўрғоннинг III—V асрлар билан белгиланадиган сўнгги қурилиш даврининг гуллаб-яшнаган пайтида вужудга келган ва амалда бўлган¹ деган хулосага келадилар.

Нахшаб қўрғонини ўрганган М. Турабековнинг фикрича, шаҳарнинг энг мустаҳкам кудратли истехком биноларидан бўлган қўрғон эрага қадар бўлган I аср ва янги эраминг I асрлари оралиғида қурилган. Қўрғонда кейинчалик амалга оширилган қўшимча қурилишлар эранинг IV асрларига оиддир. Қўрғон шаҳар сифатида то VI асрга қадар фаолият кўрсатган.²

Нахшаб қўрғонида қазув ишлари бошлангунга қадар бу жой тўрт бурчакли тепалик кўринишига эга бўлган. Тепалик жанубдан шимол тарафга кўтарилиб боради, унинг шимол томонининг баландлиги 11 -12 м ни ташкил этади. Тепаликнинг этак қисми 90X90 м, баландликдаги

¹ Сулейманов Р. Х., Нефедов Н. Ю. Предварительные результаты раскопок дворца Еркургана. ИМКУ Вып. 17. Ташкент, 1982. С. 50.

² Сулейманов Р. Х., Нефедов Н. Ю. Предварительные результаты раскопок дворца Еркургана. ИМКУ Вып. 17. С. 59-60

майдони эса 70х70м хажмга эга. Қўрғоннинг шарқий томонида пастқамлик бўлиб, бу дарвоза ўрни бўлса керак, деб тахмин килинади. Қадимда қўрғонни 20 м энликдаги сув тўлдириладиган хандак тўсиб турган. Қўрғоннинг қалин деворлари, миноралари ва шинаклари очиб тозаланади. Бу жойда иккита қурилиш даври юз берганлиги аникланади. Қўрғоннинг жанубий қисмида 40 м лик йўлак очилади, унинг кенглиги 2—2,5 м дан иборат. Қўрғоннинг шимолий тарафида икки қаватли иморатлар, казиб кўрилади. Қуйи қават гумбазсимон иморатлар тизимидан иборат экан. Шаҳар деворига кўндаланг тушган иморат очилиб, унинг деворлари қалинлиги аникланади. Девор эни 1,7 м, баландлиги эса -2,7 м дир. Гумбазсимон иморатлар ички томондан сомон сувоқ қилинган. Бино асосан хом ғиштдан кўтарилган, айрим ғиштларда бармоқ билан чизилган тамға белгиси учрайди. Ғишт тахламлари орасида катта сопол топилмаларнинг синиқлари ҳам ишлатиб юборилган. Иккинчи қаватда бешта хона очиб тозаланган. Шуларнинг тўртаси биринчи қават иморати билан бир вақтда тикланган. Бинонинг жануби-ғарбий томонидан кейинчалик яна бир хона кўшилган. Иккинчи қаватнинг шимолий ва ғарбий томонидаги деворнинг қалинлиги 2 м, қолганлари 1-1,6 мни ташкил этади. Иккинчи қаватнинг девори ярим метрга етар-етмас баландликда сакланиб қолган.

Нахшаб қалъасини ўрганган Р. Х. Сулеймановнинг бу жойдан топилган осори атиқаларни қиёсий таҳлил этиши натижасида, қалъанинг сўнгги қурилиш даврини IV-VI асрларда вужудга келган деб саналаш мумкин бўлди.¹ Бунда қалъа Нахшаб шаҳрининг асосий ғарбий истехкоми сифатида эрага қадар бўлган I аср билан янги эранинг I асри оралиғида пайдо бўлганлиги, кейинги замонларда бир неча қурилиш даврини бошдан кечирганлигини унутмаслик керак бўлади.

¹Сулейманов Р. Х. Основные этапы развития городища Ер-курбан. — В сб.: Всесоюзное научное совещание «Античная культура Средней Азии и Казахстана» (Тезисы докладов). Ташкент, 1979, с. 12.

Ибодатхона мажмуаси шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, каттагина ҳажмга эга. Ибодатхонанинг шарқий қисмидаги сиғиниш хонасининг ўзи 25x13 мни ташкил этади. Ибодатхона эрадан олдинги асрлардан бошлаб фаолият кўрсатиб, янги эранинг 1 минг йиллиги биринчи ярмига қадар ўз мавқеини сақлаб келган. Нахшаб ибодатхонаси ўз тарихида беш қурилиш даврини бошидан кечирган. Ибодатхона вайронаси 8 м чуқурликкача қовланганда қадимий маданий қатламга етилган. Унда ҳайвонлар суяклари ва сопол буюмлар топилган. Бу ашёлар эрагача бўлган V асрга тааллуқли деб саналанган. Сопол буюмлар ибодатхоналар учун анъанавий бўлган жом ва хумлардан иборатдир. Нахшаб ибодатхонасини муфассал ўрганган қадимшунос олим Р. Х. Сулаймоновнинг таъкидлашича, маданий қатлам ибодатхонанинг 1-қурилиш даврига — эрадан аввалги VI—V асрларга оид.

Ибодатхонадаги текшириш ишлари унинг баъзи бинолари ёнғинга дучор бўлганлигини кўрсатади. Бу, табиийки, шаҳарнинг тарихи билан узвий боғлиқ, бўлган. Нахшабликлар - асрлар оша ўз муқаддас масканларини ташлаб кетмаган, аксинча, уни ҳар сафар таъмирлаганлар, янги иморатлар қўшганлар.

Ибодатхона учинчи қурилиш даврида тубдан қайта таъмирланади. Деворга тақалган тагликларга худоларнинг хайкаллари қуйилган. Мана шу учинчи даврда оташқадада олов узоқ муддат ёнганлиги билиниб туради. Ибодатхонада оловдан қолган кул қолдиқлари 2 метрга етади.¹

Қарши воҳасидаги шаҳарлар орасида Ерқурғон бу даврларда ҳам барҳаёт бўлиб, унда аҳоли яшашда давом этган. Нахшабда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар бунини амалда тасдиқлайди. Чунончи, 8-қазув манбаида олиб борилган текширишлар бу жойдаги маданий қатлам янги эранинг IV-V асрларига тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида, ички деворга туташиб кетадиган катта баландлик

¹Сулейманов Р. Х. Храмовый комплекс Еркурғана.../ Городская культура Бактрии — Тохаристана и Согда, С. 134.

кўрғон қолдиғи бўлган. Қазув ишлари ана шу кўрғон минораси ва унинг жанубий томонида олиб борилади. Бу жойда беш хона очиб тозаланади. Бир канча сопол буюмлар синиқлари, эркак кишининг юзи тасвир этилган хайкалча парчаси топилади. Кўрғон минораси тагида эранинг биринчи асрларида қурилган иморатнинг қолдиғи ҳам очилади. Янги эранинг IV-V асрларида бу жойда янги хоналар қурилади, улар асосан хом ғиштдан тикланади. Ёишт билан гоҳида пахса алмашилиб келган ўринлар ҳам учрайди. Ёиштдан тикланган асос устига кўрғон минораси солинган.¹

9-казув манбаи шаҳарнинг жанубий қисмига. тўғри келади. Бу жой ташқи девор ва унинг ярим доира шаклидаги минораси урнини аниқлаш имконини беради. Девор остидан эрага қадар бўлган I минг йиллик ўрталарига мансуб қатлам осори атиқалари топилади. Деворнинг пахсадан тикланган қатламлари нисбатан кейинги асрларга тааллуқли бўлиб, кўпинча таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Топилган сопол буюмларга қараб, ташқи деворнинг амалда бўлиш даврини III— V асрлар деб аниқлашга муваффақ бўлинади. Нахшаб шаҳри ёнидан ката канал олиб ўтилиши муносабати билан ташқи деворнинг жанубий дарвозаси атрофи ҳам текшириб қўрилади. Натижада дарвоза олдида қоровуллик хизмати билан боғлиқ бинолар мажмуи мавжуд эканлиги аниқланади. Бу бинолар ҳам ташқи деворнинг қурилиши билан айна бир вақтда вужудга келади. Бу бинолардан асосан V асрга оид кулолчилк ашёлари қолдиқлари топилади.

Нахшаб ибодатхонаси эрага қадар бўлган VI-V асрларда вужудга келган. Аммо замонлар кечиши билан ибодатхона атрофида, унинг ишдан чиққан, емирилган бинолари ўрнида янгидан иморатлар қуриб борилган. Умуман, ибодатхона мажмуаси ўз тарихида бешта қурилиш даврини бошидан кечирган. Шундай қурилишлардан бири дастлабки девор устида тикланган бўлиб, 1,5 м қалинликдаги бино асосидир. Унда олов ёқиладиган тоқчалар бор. Ибодатхона мажмуасида ўтказилган илмий-тадқиқотлар 5-

¹ Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурған (стратиграфия и периодизация). – Ташкент: Фан, 1984. С. 19-20.

курилиш даврининг илк ўрта асрларга оид эканлигини аниқланган. Хусусан, ёнбошдаги иморатларга асос қўйилади, иморатнинг таг замини яна 78 см га қўтарилади. Шимолга қараган деворда меҳроб курилади. Меҳроб бир неча бор сувалган, бўялган. Меҳробнинг олдидаги майдонча олов ёнишидан куйиб қорайган, бу ерда анчагина қалинликда кул тўпланиб қолган. Ибодатхонанинг ўртасида олов ёқилган махсус жой ўрни сақланиб қолган.¹

Еркўрғоннинг ички ва ташқи муҳофаа деворлари ўртасида, қадимги шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган Р-3 рақамли археологик объект зардуштийлик даври даҳмаси деб аниқланган. Унда 1970-йиллардан бошлаб олиб борилган қазилмалар қадимги туб майдондан ҳисобланган 9-12 метр баландликка эга бўлган икки ярусли ноёб архитектура ишлари ҳақида муҳим маълумотларни берди.

Даҳма 7-8 метрли сунъий пойдевор майдон – стилобат устида қурилган тўғри тўртбурчак шаклидаги минора бўлиб, унинг тепасида зардуштийлик таомилларига биноан ўлик қўйиладиган майдон бўлган. Бу майдон минора устки майдонининг ғарбий қисмини ишғол этган .

Даҳма минораси тепасига уч йўналишли (икки тирсакли)шоҳона зиналар орқали чиқиб борилган. Қуйи зина бўлаги 14 поғонали бўлиб, бино стилобатига перпендикуляр, ўрта зина бўлаги 8 поғонали бино стилобатига ёпиштириб параллел жойлашган, катта зинапоё эса даҳманинг минораси ичига ёриб кириб борган. Унинг шарқ томони токчалар шакл берилган девор билан тўсилган. Ўз даврида бу зина усти арксимон том билан ёпилган. Катта зина 24 поғонадан иборат бўлиб миноранинг устки майдонига олиб чиққан.

Иморатнинг юқорисидаги очик майдонда марҳумларнинг суяклари қурилиш билан. Сўнгра бу устухонлар махсус жойда сақланган. Даҳма қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган. Даҳмадан милоддан аввалги II-I асрларда қисқа муддат фойдаланилган бу иншоот тўлалигича 42x38-42x10-11 см. ҳажмли ғишт билан қалин қоплаб ташланган. Даҳма ғишт

¹Сулейманов Р.Х. Храмовый комплекс Еркугана...//Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. С. 136.

қоплама билан кўмиб ташлангач, иншоот баландлиги 7-9 м. чиқадиган тухумсимон тепалик кўринишига кирганича сақланган. Даврлар ўтиши билан тепанинг сатҳи ёғин-сочин, шамол таъсирида ювилган ҳолда бизгача етиб келган. Дахманинг бу қадар қисқа муддат ишлатилиши ва ғишт қоплама билан кўмилиб ташланиши ҳозирга қадар изоҳланмаган эди.

Еркўрғон дахмаси ўта ҳашаматли иншоот бўлган. Лекин унда ўлик кўйиш маросими санокли мартагина амалга оширилган. Маросим сонларини минора устидаги тош уюмларининг сони билан чекланган дейишга асос бор. Зиналар ва майдонлар ҳар бир маросимдан кейин ганч билан суваб покланган деб ҳисобланса сувоқ қатламлари сони ҳам минорада ўтказилган маросимлар сонига ишора қилади.

2.3.Ишлаб чиқариш ва уй жой қурилиши

Еркўрғон шаҳрининг ички ва ташқи муҳофаа деворлари оралиғида унча баланд бўлмаган тепачалар кўриниб туради. С.К.Кабанов уларни одамлар яшаган уйларнинг харобалари деб қарайди. Тепачаларнинг баландлиги 3-5 метргача боради. Жанубий этакдаги дўнгликлар кенгая боради ва улар сойликка етиб ажралади. Ҳозирги пайтда бу ердан катта йўл ўтган. Шу тепачалардан бири синов тариқасида қазиб кўрилганда, кул ва кўмир қолдиқлари чиққан. Бу жойга оид топилмалар орасида темир ва тошларнинг эриган бўлакчалари эътиборни тортади. Чунки бу ишда инсон аралашуви сезилиб туради. Девори хом ғишт ва пахсадан иборат бўлиб, унда бир неча марта сувалганлик аломати кўриниб туради. Тепачадан яна кўпгина қадахлар сопол идишлар топилган. Улар орасида нақшли тувакчанинг борлиги ҳайратга лойиқ эди. Тувакча тубида эриган темир эритиш усулини билганликларини кўрсатади. Айниқса, эритилган бир парча мис бу соҳада шубҳага ўрин қолдирмайдиган далил ҳисобланади. Темирчилар маҳалласи ички деворнинг жануби-ғарбидаги дарвозадан ташқи девор жануби-ғарбий бурчагининг Самарқанд ва Кеш томонга олиб борувчи дарвозага қадар чўзилган. Майдоннинг ўрта қисмидан ўтган қадимий кўча уни жанубий ва шимолий қисмларга ажратади. Жанубий қисмнинг асосан, устки қатламини қазиб ўрганилган. Қазиш жараёнида яхши ишланган темир буюмларининг кўплаб топилиши, бу ерда темирчилар маҳалласи жойлашганидан далолат беради. Бу ердан 30 дан ортиқ бино қолдиқлари топилган.

Темирчи усталарнинг бутун хўжалиги кўча томонга қаратилган бўлиб, жануб томонда фақат ишлаб чиқариш устахоналари бўлган, бу ерда савдотик ҳам қилинган. Шимолий томонда турар- жой бинолари жойлашган.¹ Темирчилар маҳалласи ҳақида умумий маълумотлар В.А.Пыриннинг илмий асарларида ўз аксини топган. Жанубий қисмида жойлашган устахоналарга ёғоч эшиклар орқали кирилган. Энг катта устахона бешта ёнма-ён қурилган бинолардан иборат. Устахонага 6 ва 27- хоналар орқали кирилган, 6 ва 26

¹ Қарши – 2700. Т.: «Маънавият», 2006, 64-б.

хоналар орқали катта тўртбурчак зал ёки 11-бинога кирилган. Кейинчалик бу устахона иккига бўлиниб, ҳар бир қисми алоҳида устахоналарга айланган.¹

5-рақамли бионинг заминидан кўп миқдорда темир бўлаклари, кўмир ва кул қолдиқлари, тош ёрғучоқ синиқлари, ҳайвон синиқлари топилган. Бу ердан яна иккита думалоқ ўра топилган бўлиб, мутахассислар фикрича, бу ўралардан темир эритиш ва юмшатиш мақсадида фойдаланилган.

Иккинчи хўжалик тўртта бинодан иборат. 14 ва 28 хоналар орқали маҳалланинг жанубий қисмига чиқилган. 13 ва 14 хоналарнинг пол қисми 45 см баландликка кўтарилган. Бу биноларга ёнма-ён ғиштдан қурилган айвонча жойлашган. Айвонча топилмалари орасида кўмир ва кул қолдиқлари билан бирга 49 дона Нахшаб чеканининг тангалари топилган. Учинчи хўжаликдан топилган топилмалар ҳам юқоридагиларга ўхшаш. Бешинчи хўжалик икки бинодан иборат бўлиб, бу ерда темирчиликка оид буюмлар учрамайди. Еттинчи хўжалик биноларининг замини 10 см қалинликда кул қоплами билан қопланган.

Маҳаллада бир неча бинолардан иборат бўлган катта хўжаликдан ташқари, биргина хонадан иборат бўлган кичик хўжаликлар ҳам учрайди. Бу хўжаликлар аҳолиси савдо-сотиқ билан шуғулланган. Темирчилар маҳалласининг шимолий қисмида ҳам археологик қазилма ишлари олиб борилган бўлиб, бу қисмда кўпроқ турар-жой бинолари ўрганилган. Ўрганилган турар-жой биноларидан бири икки қаватли бўлиб, иккинчи қаватга кўтарма пандус орқали чиқилган. Қазилма ишлари жараёнида бинолар заминидан кўплаб Нахшаб чеканининг тангалари топилган. Тангаларнинг топилиши бу ерда ҳам, ўрта аср шаҳарларида бўлганидек, темир буюмлар, меҳнат қуролларининг савдоси ривожланганини кўрсатади.

Еркўрғон мажмуасидаги 13, 20- рақамли хоналар тадқиқ этилганда, бу жойда тўқувчиликда ишлатиладиган сопол лангарлар анчагина эканлиги аниқланади. 16-рақам билан белгиланган жой қазиб кўрилганда, унинг

¹ Пырин В.А. Предварительные результаты изучения квартала металлостов Еркургана. // ИМКУ. 1990. № 24. 121-126 б.

хунармандлар яшаш жойи ва ишхонаси эканлиги маълум бўлади. Бу ерда темирчилар яшаганлиги учун уни темирчилар маҳалласи дейиш мумкин. Қазув чоғида бу жойдан 89 та танга топилади, 49 та мис танга биноларнинг тағзаминидан ва кўча юзасидан топилади. Бу мис тангачаларнинг аксарияти милоннинг V-VII асрларига тааллуқли деб қаралади. С.К.Кабанов бу топилмаларни «Нахшаб тангалари» деб атаган эди.

Нахшабнинг ташқи жануби-шарқий ҳудуди стратиграфик маълумотларига кўра шу манзил вужудга келган даврларда яъни милондан аввалги бир минг йиллик ўрталарида кишилар яшай бошлаган жой бўлган. Шаҳарда хунармандчилик, темирчилик милондан аввалги бир минг йиллик ўрталарида вужудга келган. Нахшаблик усталар, темир эритувчилар хом ашё маъданини қаердан олган деган савол туғилади. Поён Равшанов В.А.Рузановнинг мана шу ҳақдаги фикрларини келтиради «Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тизмаларида Қашқадарё ҳудудида жойлашган қадимий конлардан бирининг маъдан намуналари кимёвий жиҳатдан тадқиқ этилганда, Ерқўрғон маъданни қайта ишлаш амалиётидаги маҳаллий хом ашё манбаини баҳолашда баъзи аниқликлар киритилди. Қашқадарё вилоятида қадимда қазиб олинган маъдан манбалари жумласига Қоракўл мис кони ҳам киради. У денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда Яккабоғ темир йўл бекатидан 37 чақирим жануброқда, бўлган Калтакўл Қишлоғи яқинидадир», дейди.¹

Ерқўрғон идишларидан топилган қолдиқ маъдан таркиби билан Калтакўл кони хомашёси кимёвий таҳлил этилганда улар орасида ўхшаш томонлар борлиги аниқланади. Мана шунга асосланиб, В.А.Рузанов қадимда Ерқўрғон усталари хомашё маъданини Калтакўлдан олиб келганлар деган хулосани чиқаради.

Ерқўрғоннинг янги ривожланиш даври милоннинг III-IV асрига тўғри келади. Бу даврда йирик ободончилик ишлари амалга оширилган, кулолчилик ва темирчилик мавзелари кенгайтирилган. Ташқи шаҳарда

¹ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Т. «Фан». 1995. 60 б.

жойлашган бу маҳалла милоднинг VI асригача, шаҳар вайрон бўлгунига қадар фаолият кўратади.

Нахшаб шаҳар тусини олиб йириклаша боргани сари, аҳоли кўпайган ва истехком деворларидан ташқарида ҳам маҳалла пайдо бўла бошлаган.

Шаҳарнинг ғарбий тарафида вужудга келган яшаш жойини шу жумлага киритса бўлади. Нахшабнинг ташқи истехком деворидан 600 м. чамаси масофада жойлашган катта-кичик тепаликлар археологлар томонидан ўрганиб чиқилади. Бу жойда қарийб 17 қазилмада хўжалик ибодатхонаси қисман тадқиқ этилади.

Археологлар бу иморатни вужудга келиш даврини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Н.Ю.Нефедовнинг қайд этишича, Нахшаб яқинида вужудга келган жойдаги бинолар, энг аввало, ибодатхона шаҳар ичкарасидаги шу хилдаги иморатга ўхшаш қурилган. Ҳатто, иккала бино деворларига чизилган суратлар ўртасида ҳам уйғунлик мавжуд.¹ Нахшаб олдидаги йўлдош қасаба биноси девордаги суратлар орасида хоч шакли ҳам учрайди. Эни 5 см. бўлган қизил чизиқ 13 см. энликда бўлган қора чизиқни кесиб ўтади ва хоч шаклини ҳосил қилади. Хоч рамзи Евроосиё халқларига жуда қадим замонлардан таниш бўлган. Бу хилдаги шакллар Бохтар ва Парфия санъатида ҳам учрайди. Нахшабга туташ бўлган қасаба вужудга келган санаси аниқланмаган. Чунки унда олдинги уч давр ёши аниқланмаган, фақат тўртинчи ва бешинчи даврлар санаси бу жойдан чиққан сопол ашёлар асосида аниқланган. Тўртинчи давр милоднинг II-III асрларида, бешинчи давр эса милоднинг III-IV вужудга келган деб белгиланади. Биринчи бино безаклари, тарх кўриниши, яъни учинчи даврнинг милоднинг I-II асрларга тўғри келишини тахмин қилишга асос беради. Шунга кўра, шаҳарчанинг кишилар яшаш жойи сифатида қарор топиши милoddан аввалги I минг йилликнинг сўнгги чорагига мувофиқ келади дейиш мумкин. Бу давр моддий

¹ Нефедов Н.Ю. Жилая застройка Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 18. 1983. с. 48

ашёлари, қуйи маданий қатламларда, ҳали тўла текшириб ўрганилмаган бинолар остида бўлиши эҳтимол қилинади.

Ички шаҳарнинг шарқий қисми бўйлаб 700 метрга кенг, ясси дўнгликлар занжири кўзга ташланади. Бу дўнглар ҳар бири 0,5-1 га майдонга эга.

Дўнғчаларнинг чим билан қопланган устки ва ёнбағирларидан кул ва кўмир қолдиқлари, сопол идишнинг синиқлари топилиши бу ерда кулоллар маҳалласи жойлашганлигидан дарак беради. Кейинчалик бу ерда қазилма ишларини олиб борган М.Ҳ.Исомиддинов кулоллар маҳалласи мавжуд бўлганини тасдиқлади. Унинг тадқиқот ишлари натижалари нашр этилди.¹

Маҳалла ички шаҳарнинг шарқий қисми бўйлаб шимолдан жанубга чўзилган бўлиб шаҳар деворидан ер ости сувлари билан тўлган кенг ва чуқур майдон ажратиб турган. Шаҳарнинг марказий қисми билан кулоллар маҳалласини кулоллар кўчаси ажратиб турган. Кулолар маҳалласи шаҳар марказидан ғарбда жойлашган. Кулоллар кўчаси шаҳар ички деворининг жанубий дарвозасидан шимоли-шарқий дарвозасига йўналган.

Ерқўрғон – Нахшабнинг янги ривожланиш даврида, милоднинг III-IV асрида кулоллар маҳалласи анча кенгайтирилган.

Кулоллар маҳалласида жами 4 та қазилма ишлари ўтказилган. Р-13 худудида маҳалла тепаликларининг бири тўлиқ очиб ўрганилган. Энг юқрои тепаликдан турар жой ва ишлаб чиқариш маконлари очилган. Р-13 дан жанубда тепаликнинг жанубий қисмидан яна бир кулоллар маҳалласи очилган бўлиб, бу маҳалла махсус мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу маҳалла VII асрда шаҳар ташлаб кетилган вақтда ҳам мавжуд бўлиб, шу даврда девор билан ўраб олинган. Шаҳар ташлаб кетилганидан сўнг шаҳардаги кулоллар бу ерга кўчиб келиши натижасида махсус кулоллар маҳалласи вужудга келган. Р-14 ганчкор ошхона буюмлари топилган бўлиб, қазилма ишлари ҳали поёнига етмаган. Р-13 даврида кулоллар мавзесининг кенг майдонларидан бири тўлиқ очилиб ўрганилган. Маҳалланинг шарқий ва

¹ Исамиддинова М.Ҳ. Сулеймонов Р.Х. Ерқурган. Т. 1984. с.34

ғарбий тарафларида жойлашган икки кўчадан иборат алоҳида маҳалла шу ерда жойлашганлиги аниқланди. Бу маҳалласидаги ҳар бир макон бир хил услубда қурилган ва алоҳида деворлар билан ажратилган. 300х300 м. майдондан 60 та хоналар ўрганилган. Бу хоналар бир-бири билан боғланган бўлиб, тўққизтаси алоҳида хўжалик бўлиб шаклланган. Алоҳида хўжаликларнинг кириш жойлари аниқланмаган. Кулоллар маҳалласи турар жойларининг деворлари қалин ва туйнуксиз бўлиб, маҳаллани шарқий ва ғарбий қисмларга ажратиб туради. Ғарбий қисмнинг чиқиш жойи кулоллар кўчасига юзланган, шарқий қисмнинг чиқиш жойи эса сув ҳавзасига ва шаҳарнинг шарқий деворига юзланган.

2-бино саккизта хонадан иборат бўлиб, шарқий томонидан узун даҳлиз орқали кирилган. Даҳлиздан ўнгга йўл 1 ва 12-биноларга олиб борган. Бу биноларнинг пастки қисмига катта кулолчилик қўраларидан иссиқлик олиб келувчи қувурлар ётқизилган. 12-бинода қўра жойлашган қўра жойлашган ўтхонадан мавзенинг шарқий қисмига қаратиб туйнук очилган. 1-бинода марказда қўра жойлашган бўлиб усти ёпилмаган. Даҳлиз охиридаги ёнма-ён жойлашган 14-15 бинолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 14-бинонинг полида бир замонлар қалин похол тўшама солинган бўлиб, ундан 2 см қалинликдаги похол кукуни сақланиб қолган. Бу бинодан Нахшаб чеканининг тангалари ва кўп миқдорда сопол парчалари топилган. 16-бинодан учта хум қолдиқлари ва сопол идиш парчалари топилган. 15-бинодан кирилса, деворий токчаларга эга катта хона – 16-бинога дуч келамиз. Токчалар ва полдан тайёр кулолчилик мансулотлари: кўзалар, кўзачалар, пиёла, ликопчалар, юпқа туваклар, қозонлар топилган. Бу макондан жами 100 дан ошиқ идишлар топилган. Шарқий деворга кичик, квадрат шаклидаги саҳн жойлашган бўлиб, меҳроб ёки тагкурси вазифасини ўтаган. Деворларда ёнғин излари сақланиб қолган.

1 хона. Хона тўрт бурчакли, ўлчамлари 7,7х7,6 м. (54, 31 кв.м.). Деворлари пахсадан тикланган,, баландлиги 1,5 м. Девор бир неча маротаба сувалган. Сувоқнинг қалинлиги 7-8 см. Ҳар бир сувоқ қатлами оқланган ёки

қизил ранг берилган. Биринчи хонадан даҳлиз орқали хонанинг шарқий қисмидан чиқиб кетилган. Хонанинг пол қисми 15 см қалинликда сомон сувоқ қилинган. Хонанинг поли марказ қисмида бузилган. Бузилган қисмининг диаметри 1,5-1,75 м.

2 хона биринчи хонадан шарқда жойлашган. Ҳар иккала хона 1,5 м қалинликдаги пахса девор билан ажратилган. Хона тўтрбурчакли, ўқлчамлари 7,25х4,4 м. Иккинчи хонанинг деворлари биринчи хонага ўхшаб кўп сувоқли. Сомон қўшилган сувоқнинг қалинлиги 5-7 см. Ҳар бир сувоқдан кейин девор оқланган. Хонанинг пол қисмидан 1 м баландлигида девор қизил тасма шаклида ранг берилган. Иккинчи хонанинг поли биринчи хонанинг поли билан бир хил уривенда жойлашган. Хонанинг шарқий ва жанубий деворларида чиқиш йўлакчалари бор. Жанубий чиқиш жойи (1,5 м) даҳлизга олиб чиқади. Шарқий чиқиш жойи (1,75 м) 3 хонага олиб чиқади.

3 хона қазиб ўрганилган хоналар мажмуасининг ичида энг каттаси 3 хона ҳисобланади. Бу хона икки қисмга ғарбий ва шарқий қисмга ажратилган. Ғарбий қисми 2 хонага нисбатан пастроқда жойлашган. Улар орасини 1,5 м қалинликдаги пахса девор тўсиб туради. Шарқий қисми анча кенгроқ. Ғарбий қисмидан чиқиб туради. 3 хонанинг шарқий қисми ғарбий қимига нисбатан анча кенг бўлиб зал фазифасини ўтаган. Бу залнинг умумий майдони 225 кв.м. Режага кўра тўғри тўртбурчак шаклида қурилган. Хонанинг жанубий девори 13 метр узунлигида тўлиқ очиб ўрганилади. Жанубий деворнинг узунлиги бўйлаб ҳар бир 1,5-1,7 м оралиғида 10 сантиметр ўлчадан иборат бўлган вертикал тешиқлар қилинган. Тадқиқотчиларнинг фикрича бу тешиқлар хонага ёруғ тушиб туриш учун ёки хонани ҳавосини алмашиб туриш учун хизмат қилган. 3 хонанинг девор сувоқлари ҳам кўп қаватли сомон сувоқ қилинган. Ҳар бир орасида оқ ганч қолдиқлари ёки қизил ранг излари кузатилган. 1 ва 2 хоналарнинг шимолий ва жанубий қисмида иккита шимолий ва жанубий даҳлиз жойлашган. Шимолий даҳлизнинг кенглиги 1,75 - 2,25 м. Узунлиги 15 м.

Унинг шарқий қисми ғарбий қисмига нисбатан кенгроқ қурилган. Шарқий қисмидан даҳлиз шимолга қайрилади ва 3,7 м узунликда кузатилади. Шимолий даҳлиз шарқий қисмидан ёпилган. 3 хонадан даҳлиз 1,5-1,6 м қалинликдаги пахса девор билан ажратилган. Даҳлиз поли қалин сомон шувоқ билан шувалган. Даҳлизнинг поли олдинги иккита хонани полига нисбатан баландроқ жойлашган. Даҳлиз девори бир неча маротаба шувалган ва оқланган.

III. БОБ. Ерқўрғоннинг воҳа тарихида тутган ўрни

3.1.Ерқўрғон меъморчилиги тараққиёти динамикаси

Қашқадарё воҳасининг археологик ёдгорликлари Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудлари тарихий обидаларидан жуғрофий, меъморий қурилиш режаларининг техник, муҳандислик ечимларини ўзига хослиги билан кескин фарқ қилади. Қарши воҳасининг археологик ёдгорликларининг ўз давридаги фаолияти қуйи Қашқадарё ирмоқларининг ҳолати билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда, табиий шароитга мос, сунъий суғориш тизимларининг пайдо бўлиш динамикаси, воҳада юксак маданият марказларининг шаклланиш ва ривожланиш мезони бўлган.

Жамиятда рўй берган урбанистик жараёнлар ва тараққиёт даражасининг асосий омиллари хусусида тадқиқот ишлари олиб борган кўпчилик тадқиқотчилар «илк шаҳар» ёки «шаҳар» тушунчасини бир - бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда турли даврларда турлича талқин қилишлариға қарамай, кўп ҳолларда улар тадқиқотлари хулосаларининг бир-бирига анча яқинлигини кузатишимиз мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчилик олимлар Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг асослари энг қадимги даврларга бориб тақалишини таъкидлаган ҳолда, унинг бошланишини энеолит-бронза даври билан белгилайдилар ҳамда ўз хулосаларини далиллар билан исботлашган ҳаракат қиладилар.

Ўз хусусиятига кўра «шаҳар»ни таърифлаш турлича бўлиши мумкин. Шаҳарлар учун фақат бир нарса - улар бир-бирига туташ манзилгоҳларни, аҳоли яшаш ҳудудини, бир ёки бир нечта алоҳида жойлашган турар-жойларни ўзида акс эттириши умумийдир. Одатда, «шаҳар» дейилганда, бу атамадан бошқа яна бир миқдорий белги - шаҳар катта манзилгоҳ эканлиги ҳам назарда тутилади.

Ижтимоий-иқтисодий таҳлил пайтида ишлатиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар - аҳоли марказлашиб яшайдиган йирик ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва маданий марказлар, мунтазам савдо-сотик ва

хунармандчилик вазифаларини бажарувчи ўзига хос марказлар сифатида кузатилади ва талқин этилади.

Нахшабнинг бутун худудидан ўтган ирригация тизимларида, йўл чорраҳаларида жойлашган қадимги шаҳарлар, қўрғонлар, қалъа қолдиқлари, қишлоқ манзилгоҳлари тепаликлар шаклида сақланган. Бу вақтда вужудга келган шаҳар одатда қатор буржлари бўлган баланд пахса девор билан ўраб олинган. Қалъа-кухандиз ва шаҳристон, турар жойлари ва жамоат маркази бўлган меъморчилик мажмуаларига эга бўлган.

Қадимги меъморлар жазирама ва аёздан ҳимоя қилиш талабларига жавобан моҳирона тадбирлар қўрганлар, маҳаллий бинокорлик материалларидан қандай фойдаланиш зарурлигини яхши билганлар, уларнинг маҳоратлари қанчалик юқори даражада эканлигини археологик тадқиқотлар аниқ ва равшан кўрсатиб турибди. Уларнинг ютуғи шундаки, улар амалда биноларнинг ғоят турли-туман шакллари кашф этдиганлар, бинолар эса бир ижтимоий-иқтисодий формация доирасидагина эмас, балки ҳар жиҳатдан бир-биридан фарқ қилар эди. Баъзи шакллар, чунончи, турар жой ва жамоат биноларининг режавий тузулиши икки минг йил мобайнида кузатилиб келинмоқда. Улар ўзларига хос анчагина томонлари билан узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган анъаналари билан изоҳланади.

Сўғд худудларида пойтахт марказларининг биридан бирига «кўчиши» жараёни анча қадимги асосларга эга. Бу ўринда иккита пойтахт шаҳар (Узунқир ва Ерқўрғон) Қашқадарё воҳасида жойлашган. Александр Македонский юршиларидан кейинги асрлар давомида Қарши воҳасининг қадимги номи - Ксениппа ўзгармай, бузилган шаклда ўрта асрлар қишлоғи номида, кейин эса Қарши шаҳридан 25 км. шимоли-ғарбда жойлашган Косон шаҳри номида сақланиб қолади.

Нахшабнинг номи ҳақидаги энг қадимги маълумот мил. авв. IV асрга оид Афғонистондан топилган оромий хужжатларида Nikshapaya (Никшапа) шаклида учрайди. Ушбу маҳаллий Никшапа атамаси юнонларда Ксениппа шаклини олган.

Қарши воҳасида турли даврларга оид воҳа шаҳар марказининг жойлашув ҳудудининг ўзгариб туриши сиёсий ва ижтимоий-қтисодий омиллар билан ҳам боғлиқ эди. Мисол учун араб босқини ва Муқанна кўзғолонининг бостирилиши Нахшаб инқирозига сабаб бўлган бўлса, мўғул босқини оқибатида Насафда ҳаёт тўхтайди. Нисбатан қадимги даврдаги Ерқўрғон - Никшапанинг инқирози эса аҳолининг кўчиши, янги ерларни ўзлаштириш зарурияти, суғориладиган ерларнинг ўзгариши ҳамда янги суғориш тартибининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган.

Шаҳарлар тараққиётида антик давр ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Шаҳарсозлик маданияти ва суғориш тартиби, ёзув ва пул муомаласи, моддий ва бадиий маданиятга оид кўп сонли ва турли-туман ёдгорликлар айнан ўзига хослик ва ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Қарши воҳасида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши жараёнининг илк темир давридан антик ва илк ўрта асрларгача бўлган босқичлари хронологик жиҳатдан аниқланди.

Ерқўрғон, Насаф, Қарши ёнма-ён, жуғрофий жиҳатдан ўзаро алоқадор ҳолда жойлашган. Бироқ, энг муҳими, улар даврий мунтазамликда жойлашишган, яъни, гарчи улар турли даврларда турлича ном билан аталган бўлса-да, аслида Нахшаб воҳаси пойтахти шаҳрининг турли тараққиёт босқичларини ўзларида мужассам этган. Ўрта Осиё тарихида ўз тараққиёт жараёнида шаҳарларнинг бундай ўрин алмашинувига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бинобарин, Шимолий Вокзал ҳудудининг Мингўрик истехкомида 2000 йиллар аввал ташкил топган қадимий Тошкент ҳам араб истилосидан сўнг Чорсу ва Хадра томон кўчган ва ўша пайтларда у Бинкат ёки Мадинат-аш-Шош деб аталган. Ўрта Осиёдаги Марв, Ахсикент, Қува, Термиз, Шаҳрисабз ва кўплаб бошқа шаҳарлар узок давом этган ўз тарихий тараққиётлари давомида ана шундай кўчишларни бошларидан кечиришган.

Бундай «кўчманчи» шаҳарларга мисоллар Қадимий Шарқда кўплаб топилади. Масалан, Афғонистондаги Балх шаҳри ўз жойини бир неча маротаба ўзгартирган. Катта Бобил деб аталадиган, 600 квадрат километрга

якин худудни ташкил этадиган бу шаҳар турли даврларда алоҳида - алоҳида бунёд этилган бир неча шаҳар қолдиқларидан иборат бўлиб, улар Қадимий Шарқдаги бу йирик жойнинг шаҳарлашув маркази сифатидаги турли тараққиёт босқичларини акс эттиради.

Сўғд худудларида пойтахт марказларининг биридан бирига «кўчиши» жараёни анча қадимги асосларга эга. Бу ўринда иккита пойтахт шаҳар (Узунқир ва Ерқўрғон) Қашқадарё воҳасида жойлашган. Александр Македонский юршиларидан кейинги асрлар давомида Қарши воҳасининг қадимги номи - Ксениппа ўзгармай, бузилган шаклда ўрта асрлар қишлоғи номида, кейин эса Қарши шаҳридан 25 км шимоли-ғарбда жойлашган Косон шаҳри номида сақланиб қолади.¹

Нахшаб пойтахт марказининг тарихи, Сўғд тарихи каби, эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга мансуб илк темир асрининг янги қишлоқ ва шаҳарлари пайдо бўлишидан бошланган.

Нахшаб пойтахтининг дастлабки кўриниши харобалари ҳозирги Қарши шаҳрининг шимолий худудларига туташган бўлиб, уни маҳаллий аҳоли Ерқўрғон деб атайдди.

Ерқўрғон яйлоқ чўл ўртасида, Қашқадарё ўзанига яқин жойда ўтроқ аҳоли манзили сифатида вужудга келган. Дарё сувидан деҳқончилик қилишда, экин-тикинларни суғоришда фойдаланилган. Теварак-атрофдаги кенг яйловлар, тўқайзор ва юлғунзорлар, шубҳасиз, чорвачилик учун ҳам жуда қулай эди.

Бу дастлабки шаҳар VI асрдаги жангу жадаллар туфайли вайрон бўлгандан сўнг, марказий шаҳар вазифасини ундан 1-2 км жануби - ғарбдаги ҳозирги Шуллиуктепа ўрнидаги йирик қўрғон бажарган. Унинг номи ҳам Нахшаб бўлиб, араб манбаларида Насаф шаклида қайд этилган.

¹ Сулейманов Р.Х. Карши – Насаф – Нахшаб – в системе мировой цивилизации // «Роль города Карши в истории мировой цивилизации». Тез. докл. Международной конф., посв. 2700-летию г. Карши. – Т., 2006. с.23

Қадимги Сўғдиёнанинг жануби ҳисобланган Қарши воҳасининг пойтахт шаҳри Ерқўрғон вайроналари жойлашган ердаги казишма ишлари олиб борилган бу тепалик зардуштийларнинг дунёдаги энг қадимий даҳмаси қолдиқлари бўлиб чиқди. Даҳма милоддан олдинги II асрда қурилган бўлиб, бир оз фойдаланилгандан сўнг кўмиб ташланган.

Кунботар томондан ҳам даҳмага такаб қурилган пастроқ яна бир майдонча бўлиб, унинг остига пиширилган ғишт терилган. Бу майдонча дафн маросимларини ўтказиш учун хизмат қилган. Бу иншоот Сўғдиёнада мамлакатни Александр Македонскийнинг Юнон – Бактрия салтанати ворисларидан бўлган базиевслардан тортиб олиб, ўз ҳокимиятини ўрнатган сак ҳукмдорлари даврларига мансубдир. Ерқўрғондаги бу даҳма бутун шаҳар аҳолисига эмас, балки фақат воҳа ҳукмдорларига хизмат қилган. Айни пайтда у милоддан аввалги II асрларгача Нахшаб аҳолисининг Заратуштра таълимотига амал қилганини кўрсатади. Даҳма кўп вақт ишлатилмаган ва тахминан милоддан аввалги иккинчи асрда хом ғишт билан беркитиб кўйилган. Бу ҳол шаҳарнинг ташқи девори қурилганидан сўнг содир бўлган бўлса керак. Даҳма қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган. Даҳмадан милоддан аввалги II-I асрларда қисқа муддат фойдаланилган. III-IV асрларда – сулолалар ўзгариши ва уруғлар кўчиши даврида туб этномаданий ўзгаришлар содир бўлган. Бу даврдаги Нахшабнинг маданий алоқаларига оид ишончли археологик ёдгорлик Ерқўрғон шаҳар ибодатхонаси устки қисмини қазиш пайтида топилди. Ибодатхона биноси III-IV асрлардан VII асргача ишлаб турган ва бу даврларда бир неча бор қайта қурилган. Тахминан бешта йирик қайта қуриш амалга оширилган, бироқ ибодатхонанинг умумий тарҳи, бир ўқ бўйлаб жойлашган айвон ва ҳовли доимо сақланиб келган.¹

¹Сулейманов Р.Х. Открытие древнейшего святилища в долине Кашкадарьи // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Тез. докл. конф., посвященной 60-летию акад. Э.В. Ртвеладзе. – Ташкент, 2002. – С. 110-111.

Ерқўрғон шаҳарининг кенгайиб катталаша боришини айрим қадимшуиослар Кушанлар даврига боғлайдилар. Масалан, П. Лериш «Ерқўрғон шаҳарчаси Сўғдиёнада 34 гектарли кичик аҳоли манзили бўлиб, қиёс этилаётган Ойхонум даражасига фақат Кушанлар даврида эришди», деган фикрни айтади.

Ерқўрғоннинг шаҳар сифатида шаклланиш тарихи бу жойда мунтазам илмий-текшириш ишлари, ўтказган археологлар томонидан моддий ашёларга, топилган осори атиқаларга асосланиб айтилган ва далолат этилган. Ерқўрғон шаҳарчасидаги бошқа қазув ишлари моддий ашёлари ҳам далолат этгани каби, у эрализга қадар бўлган VIII-VII асрларда йирик қадимий деҳқончилик манзили сифатида вужудга келиб, эрага қадар бўлган асрларда кескин тараққиётни бошдан кечирди. Бу даврда у шарқий тарафдан қарийб 40 таноб майдонни тўрт бурчак шаклидаги номутаносиб, эгри девор билан ўраб олинган», деган сўзлари диққатни жалб этади.

Ерқўрғонда бир неча йиллар давомида шаҳарнинг уйларида, ишлаб чиқариш, жамоа ва мудофаа иншотларида 15 дан зиёд қазув ишлари ўтказилди. Шу қазувлардан бири, хусусан, фавқулодда кўп сопол буюмлар мажмуини берган кулоллар маҳалласида ўтказилган 13 қазув Ернинг табиий юзасига қадар олиб борилди. Ерқўрғон шаҳарчасидаги маданий қатлам ва унинг жинслари эрага қадар бўлган IX-VIII, асрлардан то эрализнинг VIII-IX асрларига қадар кулолчиликнинг муттасил тараққиёти манзарасини ифода этади.

Нахшабнинг вужудга келиши, унда ҳаётнинг давом этиши бу жойда тадқиқот олиб борган бошқа олимлар томонидан ҳам айтиб ўтилган. Жумладан, В. А. Пирин «шаҳарча ичидаги тадқиқотлар натижасида сиёсий-маъмурий, истеҳком иншоотлари, ҳунармандлар ва яшаш жойлари очилди. Сопол буюмларни ўрганиш шаҳарчанинг воқе бўлиш кўлами тарихини аниқ белгилаш имконини берди (эрагача бўлган IX—VIII асрлар— эранинг VIII—IX асрлари)», деган хулосага келади.

Р.Х.Сулаймоновнинг Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд) қадимги шаҳарлари, хусусан, Ерқўрғонни ўрганиш учун олиб борган археологик тадқиқотларининг гувоҳлик беришича, бу кўҳна шаҳар ҳудуди мил.авв. VII—VI асрларда жадаллик билан ўзлаштирилади.¹

Келтирилган фикрлар Ерқўрғон эрага қадар бўлган IX—VIII асрларда даставвал кичик аҳоли манзилгоҳи сифатида вужудга келиб, икки-уч асрдан сўнг тараққиётга юз берган. Чунончи, М. Х. Исомиддинов қайд этгани каби, эрагача бўлган VI—V асрларда мустаҳкам қўрғонга, мудофаа деворига эга бўлади. С. К. Кабанов Ерқўрғонда 1948 йилда ўтказилган мавсум натижаларидан келиб чиқиб фикр юритган, албатта. Ўша йили иккита хум, сопол буюмларнинг мўъжаз мажмуи, жом идишининг қуйи қисми, хуллас, ўзига хос кулолчилик шаклларига эга бўлган буюмлар топилади. С. К. Кабанов шу ашёларга кўра, шаҳарчанинг қуйи маданий қатламин эрага қадар бўлган II асрлардан эранинг II асрга қадар бўлган даврларга тааллуқли деб, юқори маданий қатламни эса III—IV асрларга оид деб аниқлайди.²

С. К. Кабановдан 30 йилдан сўнг Ерқўрғонда қазув ишларини ўтказган М. Х. Исомиддинов «Ерқўрғоннинг қадимий қатламлари стратиграфияси» деган мақоласида шарқий қисмда жойлашган тепаликда олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, ўз фикрларини тафсил этади. Бу гал қазув ишларининг теранлашганлигини қайд этиш лозим. Зеро, айрим жойларда Ернинг табиий юзаси 8,5 м, чуқурликда эканлиги аниқланади. Ерқўрғон II ва III деб белгиланган қазув жойларида маданий қатлам эрагача бўлган VI асрларга оид деб қаралади. Олимнинг далолат этишича, Ерқўрғоннинг қуйи маданий қатламида эрага қадар бўлган VIII асрнинг иккинчи ярми ва VII асрларга тааллуқли кулолчилик буюмлари, юқори сифатли сопол-идишлар қолдиқлари билан қопланган. М. Х. Исомиддиновнинг фикрича, Ерқўрғоннинг архаик даврларига хос бўлган қадимшунослик мажмуи унда кишиларнинг дастлабки яшаш даврларига тўғри келиб, Қарши воҳасининг

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Т.: Фан, 2001. – 342 с.

² Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшеба. – Ташкент: Узбекистан, 1988. с.52

чорвадорлар маданиятини ўзида ташийди. Албатта, бу маданиятнинг шаклланиши бу жойдаги майда деҳқончилик, чорвачилик маданиятига ижобий таъсир ўтказган янада маданийроқ жамоанинг номн билан боғлиқдир.¹

Еркўрғон ибодатхонаси эрамизнинг биринчи, минг йиллиги биринчи ярмида амалда бўлган. Шу давр оралиғида бу жойда бешта йирик қурилиш қилинган, оқибатда, ибодатхона тағзамини (платформа) анча баландга кўтарилган.

Еркўрғонда кейинги йиларда олиб борилган қазув ишлари олимларнинг илмий хулосаларини янада бойитишга хизмат қилди. Р. Х. Сулаймоновнинг диққатини асосан ибодатхона бинолари жалб этган эди. Унинг шаҳодат этишича, шаҳарча марказида - шарқий ва ғарбий қисмларда жойлашган ибодатхона бинолари оралиғи очиб тозаланганда пастдан бундан анча олдин қурилган икки бино қолдиғи топилади. Уларнинг ёши эрадан аввалги V асрлар, деб аниқланган, Жом идишлар, хумчалар ҳам борки, уларни биринчи ибодатхона қурилиши даврига хос, дейиш мумкин. Биринчи ибодатхона эса эрадан аввалги VI-V асрларда қурилган. 5 м чуқурликда учрайдиган девор қолдиғи ва маданий қатлам, шунингдек, сопол буюмлар эрагача бўлган III-II асрларга оид эканлиги аниқлангандир.

Бу қадимий шаҳар аҳолисининг маданий алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ундаги меъморий ва санъат ёдгорликлари қадимий маданиятларнинг Ғарбда этруссклар ва юнонлардан бошлаб Шарқда Ҳиндистон ва Сибирга қадар маданий алоқалар ривожланганлигини кўрсатади. Шаҳардаги илк меъморий ёдгорликлардан бири сифатида сақланиб қолган, зардуштийларнинг дафн маросимларини ўтказилиш жойи бўлиб хизмат қилган даҳма икки қаватлик баланд иморат шаклида қурилиб, унинг юқорисидаги очиқ майдонида марҳум шаҳар зодагонларининг суяклари

¹ Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Комплекс ритуально- культовой керамики IV – V вв. из Южного Согда // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 13. 1977. с.112

этидан тозаланган. Сўнг азиз устухонлар махсус жойларда сакланган. Даҳма кадимий шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган.

Ерқўрғон ибодатхонасининг икки устунли махрам саждагоҳи ва бу ибодатхонанинг олд томонида кенг ҳовлига қарата қурилган тўрт устунли пешайвони юнонларнинг мегарон усулидаги иншоатлари тархидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Ерқўрғон ҳукмдорининг эрамиздан аввалги III асрларда қурилган баландлиги ўн метрли пирамида шаклидаги мақбараси ўз тарихига кўра Афғонистондаги Сурх Котал деб аталадиган машҳур Кушон эҳромининг такроридир.

Амалий санъат ашёлари, шу жумладан, кадимий муҳрлар — қимматбаҳо тошларга ишланган тасвир сюжетлари Нахшаб аҳолисининг кенг маданий алоқаларидан далолат беради. Эрамиздан аввалги V асрлардаги этрускларга хос бўлган ана шундай муҳрлардан бирида Зевснинг бургут тутиб турган бўйбасти гавдалантирилган. Яна бир ноёб тошда фил миниб олган Кушон ҳукмдори тасвирланган¹ (Кушон империяси кадимда Сурхондарё водийсидан Жанубий Ҳиндистон ва Кошғарга қадар чўзилиб кетган эди).

Илохлар, қаҳрамонлар ва табаррук зотларнинг гилдан қолиплаб ясалган кўплаб миниатюра тасвирлари кийиниш усуллари, урфлари, либослари ва соч турмаклашлар юнон-лардан скифларга қадар, форслардан ҳиндларга қадар бўлган жиҳатларни ўзида мужассам этганлигини кўрсатади.

Ерқўрғоннинг қайси санадан, Қарши воҳасининг илк марказий пойтахти ҳисоблана бошлагани алоҳида масаладир. Қашқадарё экспедициясининг илк қазишма ишларидан шу нарса аниқланадики, шаҳарнинг ички девори эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган; узунлиги 0,5 метрли тўғри бурчакли хом ғиштдан девор тиклаш ана шу даврларга хос хусусият эди. Бу деворга туташ қатламлардан эрамиздан аввалги I минг йилликларга мансуб сопол идишлар топилди. Бироқ бу кадимий шаҳар

¹ Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Комплекс ритуально- культовой керамики IV – V вв. из Южного Согдас.113

худудида қазилган алоҳида қазишмалардаги текширувлар ундан далолат берадики, бу девор тикланишидан анча аввал — илк темир даврида ҳам бу ерда деҳқон жамоалари яшаган, Ўрта Осиёнинг бу ўтроқ аҳолиси сопол идишларни кулолчилик чархида эмас, балки қўлда яшашган, пиширишдан олдин улардаги учбурчак, зиг-заг ва занжирли безак қаторларини кизил ҳамда жигарранг бўёқлар билан жилोलашган. Пиширилгандан сўнг бу идишлар жуда чиройли кўриниш олган.

Бундай турдаги идишлар Сўғдиёна худудининг Самарқанд воҳаси ва қадимги Кешдан ҳам топилган бўлиб, одатда улар эрамиздан аввалги IX-VII асрларга тўғри келади.

Ерқўрғоннинг эрамиздан олдинги VII-VI асрларида ясалган сопол буюмлар топилган маданий қатламидан 1999 йилнинг кузида қалинлиги 3 метрдан ошиқ бўлган маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди. Девор баландлигининг 2 метрдан ортиқроқ қисми омон қолган ва кулоллар маҳалласининг биринчи асрларга оид қатламлари остида кўмилиб кетган. Бу девор Ерқўрғоннинг эрамиздан аввалги VI асрларда қурилган, бугунга қадар сақланиб қолган ички деворига параллел равишда тикланган. Шунини тахмин қилиш мумкинки, кулоллар маҳалласи ичкарасидан топилган бу девор дастлабки даврларда Ерқўрғоннинг истеҳсоми вазифасини ўтаган, бироқ шаҳар худуди кенгайиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган ички девор қурилгандан сўнг эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда қурилган. Эски девор ноқулайлик туғдиргани учун бузиб ташланган ва унинг тупроғидан шаҳар кулоллари буюмлар яшаш учун фойдаланишган. Кулоллар томонидан эски шаҳар деворлари қолдиқларидан хом ашё сифатида фойдаланиш ҳоллари Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам учраб туради. Хуллас, эрамиздан аввалги VIII-VII асрлардаёқ Ерқўрғон, афтидан, мудофаа девори билан қуршаб олинган илк шаҳар сифатида шаклланиб бўлган.

III аср Ерқўрғоннинг энг сўнгги ва энг юксак гуллаб-яшнаган даври бўлди, бу даврда шаҳарда эҳром ва макбара, арк ва сарой қурилди, истехком деворлари ўзгартирилиб таъмирланди.

Бу даврда Накшаб ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангалар ва тасвирий санъат намуналарида Парфия таъсири сезилади. III асрда бунёд этилган ҳукмдор макбарасида олиб борилган казишмалар дафн маросимининг ўзига хос хусусиятини очиқ берди.

Ерқўрғоннинг ички муҳофаа деворини казиш вақтида милоддан аввалги VI-V асрларга оид девор остидан хом ғишт аралаш пахсадан қурилган қадимий шаҳар деворлари қолдиқларини топилади. Бу энг кўхна шаҳар девори бўлиб, Самарқанд Афросиёбининг, Челак қишлоғи яқинида жойлашган Кўктепа ва Узунқирдаги Кешнинг илк шаҳар деворларига оид барча конструктив хусусиятларини такрорлаб ўтади, санаси милоддан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Бу топилма ўша даврда Суғдда Зрафшон ва Қашқадарё водийларидаги асосий деҳқончилик воҳаларида йирик шаҳар марказларини бунёд этиш имконига эга қудратли давлат мавжуд бўлганидан далолат беради.

Ерқўрғон шаҳрининг асосий маҳобатли иморатларидан саналмиш қаср икки марта қайта қурилган. қад.имшунослар қўлга киритилган сопол буюмлар «ёши»га қараб, унинг санаси III-V асрлар, деб қаралади.

Қасрни тадқиқ этган Р. Ҳ. Сулаймонов ва Н. Ю. Нефедовлар «мажмуани казиш давомида қўлга киритилган қадимият ашёлари ҳоким саройи Ерқўрғоннинг III-V асрлар билан белгиланадиган сўнгги қурилиш даврининг гуллаб-яшнаган пайтида вужудга келган ва амалда бўлган деган хулосага келадилар.¹

Ерқўрғонни энг мустаҳкам қудратли истехком биноларидан бўлган арк эрага қадар бўлган I аср ва янги эранинг I асрлари оралиғида қурилган.

¹ Сулейманов Р.Х., Исамиддинов М.Х., Сабиров К., Нефедов Н.Ю. Раскопки на городище Еркурган // Археологические открытия 1974 года. – Москва: Наука, 1975. с.43

Аркида кейинчалик амалга, оширилган қўшимча қурилишлар эранинг IV асрларига оидир. Арк то VI асрга қадар фаолият кўрсатган.

М. Тўрабековнинг бу жойдан топилган осори атиқаларни қиёсий таҳлил этиши натижасида, аркнинг сўнгги қурилиш даврини IV—VI асрларда вужудга келган деб саналаш мукин бўлди.¹

Қазув ишлари ана арк ва унинг жанубин томонида олиб борилади. Бу жойда беш хона очиб тозаланади. Арк тагида эранинг биринчи асрларида қурилган иморатнинг қолдиғи ҳам очилади. Ҳатто, эрага қадар бўлган I асрга оид ашёлар ҳам қуйи қатламдан чиқади. Янги эранинг IV—V асрларида бу жойда янги арк қурилади, улар асосан хом ғиштдан тикланади. Ёишт билан гоҳида пахса алмашилиб келган ўринлар ҳам учрайди. Ёиштдан тикланган асос устига сўнгги арк иморати солинган.

Шундай қилиб, Қарши воҳасининг илк марказий пойтахти ҳисобланган Ерқўрғонда олиб борилган илк қазишма ишларидан шу нарса аниқланадики, шаҳарнинг ички девори эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган. Бу деворга туташ қатламлардан эрамиздан аввалги I минг йилликларга мансуб сопол идишлар топилди.

Ерқўрғоннинг эрамиздан олдинги VII-VI асрларида ясалган сопол буюмлар топилган маданий қатламидан 1999 йилнинг кузида қалинлиги 3 метрдан ошиқ бўлган маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди. Девор баландлигининг 2 метрдан ортиқроқ қисми омон қолган ва кулоллар маҳалласининг биринчи асрларга оид қатламлари остида кўмилиб кетган. Бу девор Ерқўрғоннинг эрамиздан аввалги VI асрларда қурилган, бугунга қадар сақланиб қолган ички деворига параллел равишда тикланган. Шуни тахмин қилиш мумкинки, кулоллар маҳалласи ичкарасидан топилган бу девор дастлабки даврларда Ерқўрғоннинг истехкоми вазифасини ўтаган, бироқ шаҳар ҳудуди кенгайиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган ички девор қурилгандан сўнг эрамиздан аввалги VIII—VII асрларда қурилган эски девор

¹ Туребеков М. Цитадель Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Т.. Вып.17. 1982. с.58

нокулайлик туғдиргани учун бузиб ташланган ва унинг тупроғидан шаҳар кулоллари буюмлар яшаш учун фойдаланишган. Кулоллар томонидан эски шаҳар деворлари қолдиқларидан хом ашё сифатида фойдаланиш ҳоллари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраб туради. Хуллас, эрамиздан аввалги VIII—VII асрлардаёқ Ерқўрғон, афтидан, мудофаа девори билан куршаб олинган илк шаҳар сифатида шаклланиб бўлган.¹

Нахшабнинг ташқи жануби-шарқий ҳудуди стратиграфик маълумотларига кўра шу манзил вужудга келган даврларда яъни милоддан аввалги бир минг йиллик ўрталарида кишилар яшай бошлаган жой бўлган. Шаҳарда ҳунармандчилик, темирчилик милоддан аввалги бир минг йиллик ўрталарида вужудга келган. Ерқўрғоннинг янги ривожланиш даври милоднинг III-IV асрига тўғри келади. Бу даврда йирик ободончилик ишлари амалга оширилган, кулолчилик ва темирчилик мавзелари кенгайтирилган. Ташқи шаҳарда жойлашган бу маҳалла милоднинг VI асригача, шаҳар вайрон бўлгунига қадар фаолият кўратади.

Нахшаб шаҳар тусини олиб йириклаша боргани сари, аҳоли кўпайган ва истехком деворларидан ташқарида ҳам маҳалла пайдо бўла бошлаган.

Шаҳарнинг ғарбий тарафида вужудга келган яшаш жойини шу жумлага киритса бўлади. Нахшабга туташ бўлган қасаба вужудга келган санаси аниқланмаган. Чунки унда олдинги уч давр ёши аниқланмаган, фақат тўртинчи ва бешинчи даврлар санаси бу жойдан чиққан сопол ашёлар асосида аниқланган. Тўртинчи давр милоднинг II-III асрларида, бешинчи давр эса милоднинг III-IV вужудга келган деб белгиланади. Биринчи бино безаклари, тарх кўриниши, яъни учинчи даврнинг милоднинг I-II асрларга тўғри келишини тахмин қилишга асос беради. Шунга кўра, шаҳарчанинг кишилар яшаш жойи сифатида қарор топиши милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги чорагига мувофиқ келади дейиш мумкин. Ерқўрғон —

¹ Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Сбор. тез. докл. Междунар. конф., посвящ. 2700-летию г. Карши. — Ташкент: Фан, 2007. с.21.

Нахшабнинг янги риважланиш даврида, милоднинг III-IV асрида кулоллар маҳалласи анча кенгайтирилган.

Кулоллар маҳалласида жами 4 та қазилма ишлари ўтказилган. Бу маҳалла VII асрда шаҳар ташлаб кетилган вақтда ҳам мавжуд бўлиб, шу даврда девор билан ўраб олинган. Шаҳар ташлаб кетилганидан сўнг шаҳардаги кулоллар бу ерга кўчиб келиши натижасида махсус кулоллар маҳалласи вужудга келган.

3.2. Ерқўрғон ёдгорлигининг Нахшаб воҳаси қадимги ва илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлигида тутган ўрни

Ўзини узоқ ва бой ўтмиш давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўхна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун, аввало, бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўп - кўп улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз авлиёларни ватани сифатида кадрли ва мукаррамдир.¹

Оромий ёзувидаги ҳужжатда «Никшапа»нинг қўшимчасида авесточа «ап-сув» сўзи мавжуд. Шунингдек, бу сўз «Нахшаб»нинг қўшимчасида ҳам бор. Демак, авесточа «ап» ва сўғдча «об» - «сув», «дарё» сўзларини «Нахшаб» номи билан боғлаш мумкин ёки қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарнинг номи Қарши воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган дарёнинг номи билан боғлиқдир. Буларнинг барчасини вилоятнинг тарихий географияси ва маҳаллий шаҳар марказлари топографияси ҳам тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда «Нахшаб», «Насаф», «Қарши» сўзлари аралаш ҳолда, кўпинча бир шаҳарнинг турли номлари сифатида қўлланилади. Масалан, акад. В.В.Бартольд «Еттисув тарихи очерклари» асарида Чигатой хонларидан бўлган Кебекхон (Кепакхон) ҳақида гапириб, «унинг пойтахти Нахшаб шаҳри бўлиб, унинг давридан Қарши, яъни «сарой» (Кебек ўзи учун бу шаҳардан 2,5 фарсах, яъни 15 чақиримга яқин масофада сарой қурдирганди) номини олган эди», деган эди. Кебекхон қурдирган сарой-қаср атрофи гавжумлашиб, шаҳар тусини олади, шу тариқа Қарши қадимий Заҳоки Марон шаҳри ўрнида вужудга келади. Академик В.В.Бартольд «Туркистон маданий ҳаёти тарихи» асарида бу ҳақда аниқроқ қилиб, «Кебек ўзи учун сарой қурдиради, Қарши шаҳри аввалги Нахшаб ёки Насаф ўз номини шундан олади», дейди.²

¹ Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва максадидир. Т.15.- Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.70.

² Сулеймонов Р.Х. Древний Нахшаб Самарканд ; Тошкент: Фан 2000 28-бет

Қарши воҳасининг сўнгги бронза даври ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш натижасида, аниқланишича, дастлаб деҳқонлар қароргоҳи, кейин шаҳармонанд қалъа-қўрғонлар, сўнгра эса илк шаҳарлар пайдо бўлади. Ерқўрғон ўзининг тарихий топографияси ва ўзига хос моддий маданияти билан нафақат воҳада, балки Жанубий Ўзбекистондаги илк шаҳарлар каторига киради. Қолаверса, унинг воҳанинг энг қадимги ўтrock деҳқончилик ва ҳунармандчилик маркази бўлгани эндиликда ҳақиқатга. Яна бир неча археологик ёдгорликлар Мудинтепа, Шуртепа, Неғузтепа, Киндиклитеп, Кофиртепа, Хўжалитепа, Лоғмонтепа, Таллисортепа, Бобокенттепа кабилар ҳам ўз навбатида қадимги воҳа деҳқончилиги марказлари бўлган. Демак, мил. авв. II минггинчи йилликнинг охири чорагидан воҳада илк шаҳарлар, шаҳармонанд қалъа-қўрғонлар шаклланган. Илк шаҳарлар шубҳасиз, дастлабки ирригация иншоотлари асосида юзага келган. Ирригация тармоқларининг мавжудлиги ва ҳунармандчиликнинг ривожлангани, шубҳасиз, дастлабки давлатчиликнинг асосий белгиларидандир.¹

Илк темир ва антик даврларда ҳам Қарши воҳасида деҳқончилик маданияти анъаналари давом этади. Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари каби бу ерда ҳам хўжаликнинг икки хил: деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари мавжуд эди. Мил. авв. IV-III асрлардан бошлаб воҳада деҳқончилик янада ривожланади, шаҳарлар сони ортиб боради, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари юксалади. Айнан антик даврда - қадимги Нахшаб тараққий этиб гуллаб яшнайди ва бу воҳада Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоғи ўз фаолиятини бошлайди. Ипак йўли бўйидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар туфайли Қарши воҳасида минтақалараро иқтисодий муносабатларда фаол қатнаша бошлайди.

Юқорида С. К. Кабановнинг Қашқадарёнинг қуйи қисмидаги қадимги шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлиши нуқтаи назаридан қилган таснифини

¹ Кабанов С.К. Археологические данные по истории Нахшеба в III – V вв. // Вестник древней истории. – 1956. – № 2. с.118.

кўриб ўтдик. Бу ҳудуддаги 59 ёдгорлик энг қадимги даврлардан то V—VI асрларга қадар вужудга келган экан.¹

Милоддан аввалги VIII-VII асрларда Ерқўрғон шаҳар ёдгорлиги вужудга келиши билан барча муҳим этник ва маданий жараёнлар юз берган. Ахмонийлар шоҳи Кир II даврида (милоддан аввалги 550-529 йиллар) Ўрта Осиё босиб олинган. Шу пайтдан бошлаб то милоддан аввалги 329 йилгача Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғида жойлашган бошқа вилоятлар каби Сўғдиёна ҳам йирик Ахмонийлар империясига кирган.² Мазкур давлатда қабул қилинган маъмурий ҳокимият тизимига мувофиқ унга қарашли ҳамма ҳудуд 20 та сатрапликка бўлинган. Уларга сатраплар – бевосита аҳмоний шоҳлар томонидан тайинланадиган ноиблар раҳбарлик қилган ва барча ҳарбий ҳамда фуқаролик ҳокимияти ваколатларига эга бўлган. Бу каби йирик сатраплар ичида кичик маъмурий бирликлар бўлган ва уларда маҳаллий сулолалар ҳокимлик қилган.

Нахшаб ҳам маҳаллий сулола ҳокимлигига қарашли шундай маъмурий бирлик бўлган. Квинт Курций Руф жанубий Сўғддаги Ксениппа вилоятини эслатиб ўтади ва у В.Томашек томонидан номи Нахшабга ўхшаш бўлгани учун Қашқадарё этагида мавжуд бўлган жой сифатида қайд этилади ва ушбу далил тарихий ва археологик жиҳатдан ҳам исботланган. Бу ерга милоддан аввалги 328- йилда, Александр Македонскийнинг юриши арафасида Никшаб – Ксениппа тўғрисида Халилий коллекциясидаги оромий ҳужжатида қизиқарли маълумотлар бор. Ушбу ҳужжатга кўра, Хулма ҳукмдори Багавант деган киши Никшабга шаҳар атрофида деворлар қуриш ва хандақлар қазилар учун бир отряд қўшин жўнатади. Шу билан бирга, Киш шаҳри, аниқроғи, Китоб яқинидаги Узунқир шаҳарчасида ҳам зудлик билан худди шунга ўхшаш деворлар барпо этилади.

Никшаб ёки Ксениппа вилояти милоддан аввалги 328 йилнинг ёз ёки кузида Александр Македонскийнинг Сўғдиёнага иккинчи марта юриши

¹ Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III – VII вв. н. э.). – Ташкент: Фан, 1977. с.44.

² Вайнберг Б.И. Левина Л.М.- Чиркратская культура. Низовья Сирдарьи в древности М: Наука 1993 133 бет.

чоғида ишғол қилинган. Квинт Курций Руф Ксениппани қишлоқлар зич жойлашган вилоят сифатида қайд этади.¹

Ушбу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, милоддан аввлги VI-IV асрларда Нахшаб ривожланган, аҳолиси энг кўп вилоят, Ўрта Осиёдаги Икки дарё оралиғида жойлашган энг катта шаҳарлардан бирига айланган. Ерқўрғон шаҳарчаси эса унинг маркази бўлган.²

Ерқўрғон эҳромининг III қурилиш даврига мансуб сирли жилмайиб турган илоҳа тасвирини безаб турган тўртта қизил рангли гул шаклидаги холлари алоҳида эътиборга сазовордир. Шимолий Афғонистоннинг Дилбаржин харобаси эҳромидан топилган илоҳанинг юзи ҳам шунга ўхшаш гул билан безалган. Кушон давридан бошлаб ҳинд илоҳалари чехрасини ҳам худди ана шундай нукталар безаб келади. Бироқ Ерқўрғондаги илоҳадан 2000 йилча илгари яратилган, крит микен маданиятига оид бўлган мақбарадан топилган сирли аёл илоҳа бошининг ва этрусск санъатида оид аёлларнинг гул шаклидаги холлари Ерқўрғон нусхасини такрорлайдилар. Олий сиймолар қиёфасини бундай ҳоллар билан безатиш мутахассислар учун антик даврлардаёқ Марказий Осиёдан Европага қадар сочилиб кетган қадимий халқлар ўртасидаги маданий қолдиқ излари бўлиб ҳисобланади.

Ерқўрғон даҳмаси ҳам юксак иморат шаклида бўлиб, унинг тепа қисмидаги тош териб ишланган очиқ майдончага суяклари тозаланиши учун жасадлар тахлаб қўйилган. Ушбу тошлар орасидан одамнинг ушоқ суяклари ва тишлари топилди. Иншоот тепасига ташқи зинадан чиқилган. Кунчиқар томондан даҳманинг марказий буржига тақаб қурилган майдонча бўлиб, бу майдончадан синиқ сопол идиш ичидаги калла суягининг қолдиқлари топилди. Кунботар томондан ҳам даҳмага тақаб қурилган пастроқ яна бир майдонча бўлиб, унинг остига пиширилган ғишт терилган. Бу майдонча

¹ Зимин Л.А. Нахшаб. Несеф, Карши-из истории и древности Т.1927 197-бет

² Ртвеладзе Э. В., Буряков Ю. Ф., Сулаймонов Р. Ҳ., ва б. Қарши. Т.: Маънавият, 2006. 10-13б

дафн маросимларини ўтказиш учун хизмат қилган. Бу иншоот Сўғдиёнада мамлакатни Александр Македонскийнинг Юнон – Бактрия салтанати ворисларидан бўлган базиевслардан тортиб олиб, ўз ҳокимиятини ўрнатган сак ҳукмдорлари даврларига мансубдир.

Ерқўрғондаги бу даҳма бутун шаҳар аҳолисига эмас, балки фақат воҳа ҳукмдорларига хизмат қилган. Айни пайтда у милоддан аввалги II асрларгача Нахшаб аҳолисининг Заратуштра таълимотига амал қилганини кўрсатади. Даҳма кўп вақт ишлатилмаган ва тахминан милоддан аввалги иккинчи асрда хом ғишт билан беркитиб қўйилган. Бу ҳол шаҳарнинг ташқи девори қурилганидан сўнг содир бўлган бўлса керак. Даҳмани қазиш пайтида милоддан аввалги II асрга оид заргарлик буюмлари, сопол парчалари топилади. Сўғднинг милоддан аввалги ва милоднинг дастлабки асрларига хос сопол буюмлар кўп жиҳатдан бактрияликларникига ўхшайди.

III-IV асрларда – сулолалар ўзгариши ва уруғлар кўчиши даврида туб этномаданий ўзгаришлар содир бўлган. Хионийлар ва эфталийлар даври IV-IV асрларда Ерқўрғон Марказий Осиёнинг энг йирик ва гуллаб-яшнаган давридир. Пойтахт шаҳар атрофида кенг кўламли қурилмалар агломерацияси қарор топган. Шаҳар инфратузилмаси алоҳида тармоқларга бирлашган мураккаб тусга эга бўлган. Кўчалар ибодатхонага, сарой ва мақбарага олиб борган.¹

III-IV асрларда Ерқўрғон икки қават баланд девор билан ўралган бўлиб, бир қатор монументал биноларни ўз ичига олган. Улар шаҳар жамоатчилиги ҳаётида ҳудудий белгилар сифатида хизмат қилган, вазифасига кўра маъмурий, диний маросимлар ўтадиган жой ва мудофаа маркази ролини ўтаган.

Ерқўрғоннинг қулоллар ва темирчилар мавзеларининг сўнгги устки қатламига кўра, милоднинг V асрида шаҳарда ёнгин ва ҳалокат содир бўлган, кейинчалик ҳаёт яна ўз изига тушган. Милоднинг VI асрида шаҳар буткул вайрон бўлган, бу ҳол Турк ҳоконлиги ва Эрон Сосонийларининг бирлашган

¹ Турабеков М Цитадеъ Еркургана ИМКУ 1982 №17 51-60 бет

харбий коалицияси хужуми остида Эфталитлар давлатининг емирилиши билан боғлиқ бўлса керак. Шаҳарнинг хувиллаган ибодатхонасидага бир пайтлар илоҳий маъбуда ўрнатилган жойда тўғри бурчакли оташкада ўрнатилган. Ибодатхонанинг сўнгги даврда VII асрнинг ўрталарига мансуб Кеш тангасида ҳам топилган.¹

Ахурамазда деди: «Агар иймонли одамлар қурилган мақбара, сағана, даҳмаларни қанчалик кўп бузсалар уларни қанчалик кўп йўқотсалар, шундай ер энг бахтиёр ер бўлади».

«Видевдот»даги бу кўрсатма Ерқўрғон даҳмасига нисбатан берилса, демак, милoddан аввалги бир минг йиллик сўнггида зардуштийликнинг айрим қоидаларида маълум силжишлар рўй берган деб тахмин қилиш мумкин. Ерқўрғон даҳмаси ўта ҳашаматли иншоот бўлган. Лекин унда ўлик кўйиш маросими санокли мартагина амалга оширилган. Маросим сонларини минора устидаги тош уюмларининг сони билан чекланган дейишга асос бор. Зиналар ва майдонлар ҳар бир маросимдан кейин ганч билан суваб покланган деб ҳисобланса сувоқ қатламлари сони ҳам минорада ўтказилган маросимлар сонига ишора қилади.²

Антик даврда бу ҳудуддаги демографик ва маданий вазият шаҳарнинг кўпайиши, кўшни вилоятлар билан яқин алоқалар, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг аралаш ҳолда яшашига боғлиқ бўлган.

¹ Қарши. Т.: «Маънавият», 2006, 44-45 б.

² Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни.// Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган ҳалқаро илмий анжуман материаллари// Т.: «Фан», 2006. 156-157 б.

Хулоса

Қадимги Сўғдиёнанинг жанубий ҳудудларида жойлашган Қашқадарё воҳаси қадимий шаҳарсозлик жараёнлари тизимига киради. Бу тизимда Қарши воҳасининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Қашқадарё воҳасида ўтроқ манзиллар милоддан олдинги даврларда мавжуд бўлганини, қадимий манбалардан биламиз. Сўғд ҳақидаги нисбатан қадимги ёзма маълумотлар «Авесто»да, қадимги форс миххатларида, юнон-рим муаллифларининг асарларида сақланган. Тахминан 3 минг йил аввал Жанубий Сўғдда ўтроқ аҳоли жойлашувининг икки вилояти - Қашқадарё қўйи оқимларида (Қарши воҳаси) ва Қашқадарёнинг шарқий қисми (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари) ажратилади. Бу вилоятларнинг қадимги номлари Ксениппа ва Наутака қадимги давр тарихчилари асарларида эслатиб ўтилади¹.

Бу воҳада шаҳар ва қишлоқ, қалъа ва саройларнинг шаклланиши, пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ тарихий жараёндир. Қашқадарё вилоятининг қўйи қисмида ўтмиш обидаларини аниқлаш ва тадқиқ этиш бобида узоқ йиллар иш олиб борган тадқиқотчилар ёзма манбаларга муносабат билдириб, Қашқадарё воҳасининг қўйи қисмидаги асосий шаҳар Ксениппа – Никшапайа (Нахшаб) ҳаробаси ўрнига тўғри келишини қайд этадилар.

Қарши воҳасида турли даврларга оид воҳа шаҳар марказининг жойлашув ҳудудининг ўзгариб туриши сиёсий ва ижтимоий-қисодий омиллар билан ҳам боғлиқ эди. Қадимги даврдаги Ерқўрғон - Никшапанинг инқирози эса аҳолининг кўчиши, янги ерларни ўзлаштириш зарурияти, суғориладиган ерларнинг ўзгариши ҳамда янги суғориш тартибининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган.

Қашқадарё воҳаси ўтмишда гавжум манзиллар маскани бўлганлигини кейинги йилларда ўтказилган илмий-текшириш ишлари исботлаб берди. Р.Ҳ. Сулаймонов ва М.Е. Исомиддиновлар томонидан Жанубий Сўғднинг энг йирик шаҳар ҳаробаларидан бири Нахшаб ҳудудининг ўзлаштирилиши айнан

¹ Сагдуллаев А.С. Гава Сугда- Наутака – Кеш // Санъат.-2002.-№1

сўнгги бронзадан илк темир даврига ўтиш босқичида бошланганлиги аниқланди. Тадқиқотлар давомида Қашқадарё қуйи қисмида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши жараёнининг илк темир давридан антик ва илк ўрта асрларгача бўлган босқичлари хронологик жиҳатдан аниқланди.

Ерқўрғон (Нахшаб) Қашқа воҳасидаги энг қадимий кишилиқ манзилларидан бири сифатида қадимшунос олимлар диққатини фақатгина урушдан кейин, 40-йиллар сўнгида жалб эта бошлади. XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Ерқўрғон шаҳар харобасида мунтазам археологик тадқиқот ишлари натижасида бир нечта кўламли қазув ишлари ниҳоясига етказилди. Кўп йиллик қазишмалар ва изланишлар натижасида бу жойдан шаҳар ва бутун воҳа ҳукмдорининг саройи, шаҳар эҳроми, даҳма, мақбара, кулоллар, темирчилар ва бошқа маҳаллалар қолдиқлари топилди. Бу қадимий шаҳар кўпгина объектларининг ҳозирча фақат устки қатлами очилган. Бироқ остки маданий қатлам сари алоҳида қазилган қазишмалар шуни кўрсатадики, шаҳар тузилишининг қайд этилган ушбу устки қатлами шаҳар шаклланишининг илк даврлариданоқ таркиб топганлигидан далолат беради.

Шу қазувлардан бири, Нахшаб обидалари мажмуасида алоҳида ўрин тутувчи ибодатхона қолдиқлари олиб борилди. Ибодатхона беш қурилиш даври кечирилганлигини далолат этди. Бошқа қазув ишлари ёдгорликни ишлаб чиқариш, жамоа ва мудофаа иншоатларида ўтказилди. Кулоллар маҳалласида ўтказилган №13 қазув майдончаси ернинг материк қисмига қадар олиб борилди. Ерқўрғон шаҳарчасидаги маданий қатлам ва унинг жинслари эрага қадар бўлган IX-VIII, асрлардан то эрамизнинг VIII-IX асрларига қадар кулолчиликнинг муттасил тараққиёти манзарасини ифода этади.¹

¹ Сулейманов Р.Х., Исамиддинов М.Х., Нефедов Н.Ю., Туребеков М. Основные итоги раскопок на Еркургане // Археологические открытия 1976 года. – Москва: Наука, 1977. с.78.

Келтирилган фикрлар Ерқўрғон эрага қадар бўлган IX—VIII асрларда даставвал кичик аҳоли манзилгоҳи сифатида вужудга келиб, икки-уч асрдан сўнг тараққиётга юз бурган. Чунончи, М. Х. Исомиддинов қайд этгани каби, эрагача бўлган VI-V асрларда мустақкам қўрғонга, муҳофаа деворига эга бўлади. Буни Ерқўрғонда археологик изланишлар ўтказган С. К. Кабанов ҳам ўз вақтида кўрсатиб ўтган эди. Унинг зикр этишича, Ерқўрғондаги биринчи кузатувлар бу манзилнинг қадимийлигидан далолат берган эди.

Тадқиқочиларнинг далолат этишича, Ерқўрғоннинг қуйи маданий қатламида эрага қадар бўлган VIII асрнинг иккинчи ярми ва VII асрларга тааллуқли кулолчилик буюмлари, юқори сифатли сопол-идишлар қолдиқлари билан қопланган. М. Х. Исомиддиновнинг фикрича, Ерқўрғоннинг архаик даврларига хос бўлган қадимшунослик мажмуи унда кишиларнинг дастлабки яшаш даврларига тўғри келиб, Қарши воҳасининг чорвадорлар маданиятини ўзида акс этади. Албатта, бу маданиятнинг шаклланиши бу жойдаги майда деҳқончилик, чорвачилик маданиятига ижобий таъсир ўтказган янада маданийроқ жамоанинг номи билан боғлиқдир.¹

Бу қадимий шаҳар аҳолисининг маданий алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ундаги меъморий ва санъат ёдгорликлари қадимий маданиятларнинг Фарбда этрусслар ва юнонлардан бошлаб Шарқда Ҳиндистон ва Сибирга қадар кенг майдонларда ёнма - ён ривожланганлигини кўрсатади. Ерқўрғон топилмалари ёзма манбалардан маълум бўлган сўғдийларнинг кенг савдо ва дипломатик алоқалар олиб борганликлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди. Шаҳардаги илк меъморий ёдгорликлардан бири сифатида сақланиб қолган Ерқўрғон ибодатхонасининг икки устунли махрам саждагоҳи ва бу ибодатхонанинг олд томонида кенг ҳовлига қарата қурилган тўрт устунли пешайвони юнонларнинг мегарон усулидаги иншоатлари тархидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Ерқўрғон ҳукмдорининг эрамыздан аввалги III

¹ Исамиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и Средневекового керамического производства Нахшаба. – Ташкент: Изд-во им. А. Кадыри, 2000. с.56.

асрларда қурилган баландлиги ўн метрли пирамида шаклидаги мақбараси ўз тарихига кўра Афғонистондаги Сурх Котал деб аталадиган машҳур Кушон эҳромининг такроридир.

Ерқўрғоннинг ички девори эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган. Тўғри тўртбурчакли хом ғиштдан девор тиклаш ана шу даврларга хос хусусият бўлган. Бу деворга туташ қатламлардан эрамиздан аввалги I минг йилликларга мансуб сопол идишлар топилди. Бироқ бу қадимий шаҳар ҳудудида қазилган алоҳида қазишмалардаги текширувлар ундан далолат берадики, бу девор тикланишидан анча аввал - илк темир даврида ҳам бу ерда деҳқон жамоалари яшаган, Ўрта Осиёнинг бу ўтроқ аҳолиси сопол идишларни кулолчилик чархида эмас, балки қўлда яшаган, пиширишдан олдин улардаги учбурчак, зиг-заг ва занжирли безак қаторларини қизил ҳамда жигарранг бўёқлар билан жилолашган. Бундай турдаги идишлар Сўғдиёна ҳудудининг Самарқанд воҳаси ва қадимги Кешдан ҳам топилган бўлиб, одатда улар эрамиздан аввалги IX-VII асрларга тўғри келади.

Эрамизнинг III асри Ерқўрғоннинг юксак гуллаб-яшнаган даври бўлди. Бу даврда шаҳарда эҳром ва мақбара, арк ва сарой қурилди, истехком деворлари ўзгартирилиб таъмирланди. Ерқўрғон шаҳрининг асосий маҳобатли иморатларидан саналмиш сарой ҳам мавжуд бўлган. Шаҳар ҳукмдорининг қасри деб аталадиган бу иморат Ерқўрғон ички шаҳарчасининг мудрофаа деворларига яқин жойда ўрнашган. Қаср ҳукмдорлар таъбига яраша жуда маҳобатли қурилган. Бу жойда меҳмонларни қабул қилиш учун мўлжалланган улкан хона очиб ўрганилди. Қасрга туташ мурабба шаклидаги хона олов ёқиш - топинишга ажратилган. Сарой соҳиблари эътиқод билан боғлиқ расм-русумларни сарой ҳузуридаги мўъжаз оташкадада амалга оширганлар. Шу тариқа, сарой тантаналар ва меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган ҳайбатли маъмурий бино бўлган. Нахшаб аркини ўрганган олим М. Тўрабековнинг бу жойдан топилган осори

атиқаларни қиёсий таҳлил этиши натижасида, қалъанинг сўнгги қурилиш даврини IV-VI асрларда вужудга келган деб саналаш мумкин бўлди¹.

Шундай қилиб, Нахшаб Жанубий Сўғднинг милoddан олдинги асрларда вужудга келган шаҳарларидан бири бўлиб, унда шаклланган, ривож топган маданият, шубҳасиз, ўзбек халқининг узоқ асрлик тарихи ва маданиятида ўзига хос аҳамиятга эга.

¹ Туребеков М. Раскопки бастиона внутренней крепостной стены Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 16. 1981. с.48.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон. 1998
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1997.
3. Каримов И.А. Амир Темура хақида сўз. – Т.: Ўзбекистон. 1996.
4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Тошкент; Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. || Мулоқот. 1998, 5-сон.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. 2008 й.
7. Аскарлов А.А. Археологическая поездка в северо-западную часть Каршинской степи // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 5. 1964.
8. Белицкий А.М. О периодизации истории Средней Азии // Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Ташкент, 1955.
9. Букин Л.Л. Руины двух раннесредневековых поселений близ г. Карши // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 8. 1969.
10. Грене Ф. Заметки о топониме Наутака // «Роль города Шахрисабза в мировой истории». Сбор. тез. докл. Междунар. конф., посвящ. 2700-летию г. Шахрисабза. – Тошкент: Фан, 2002.
11. Гулямов Я.Г. Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 6. 1965.
12. Дресвянская Г.Я. Античные памятники среднего течения Кашкадарьи // Античная культура Средней Азии и Казахстана. Всесоюз. науч. совещ. Тез. докл. – Ташкент, 1979.
13. Дресвянская Г.Я. Работы маршрутного отряда // Археологические открытия 1978 года. – Москва: Наука, 1979.
14. Дуке Х. Чиракчинское поселение // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 17. 1982.
15. Жуков В.Д. Археологическая разведка Кендаклитепе // История

- материальной культуры Узбекистана. Вып. 7. 1966.
- 16.Зимин Л.А. Краткий отчёт о поездке по Бухаре в 1916 г. // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент, 1916.
 - 17.Зимин Л.А. Нахшеб. Несеф. Карши. Их история и древности // В.В. Барторльду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели (под ред. А.Э. Шмидта, Е.К. Бетгера). – Ташкент, 1927.
 - 18.Исамиддинов М.Х. Керамика Южного Согда в эпоху древности и раннего средневековья.: Автореф. дис. ...канд. истор. наук, – Ленинград, 1979.
 - 19.Исамиддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 17. 1982. Кабанов С.К. К вопросу о столице кидаритов // ВДИ. –1953. – № 2.
 - 20.Исамиддинов М.Х. Стратиграфия Еркургана и некоторые вопросы этно-культурных связей Согда и Бактрии в античное время // Античная культура Средней Азии и Казахстана. Всесоюз. науч. совещ. Тез. докл. – Ташкент, 1979.
 - 21.Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). – Ташкент: Фан, 1984.
 - 22.Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Комплекс ритуально- культовой керамики IV – V вв. из Южного Согда // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 13. 1977.
 - 23.Исамиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и Средневекового керамического производства Нахшаба. – Ташкент: Изд-во им. А. Кадыри, 2000.
 - 24.Кабанов С. К. Археологические работы 1948 г. в Каршинском оазисе // Труды Института истории и археологии. Материалы по археологии и этнографии Узбекистана. – Ташкент, 1950.
 - 25.Кабанов С.К. , Шахурин К.А. Археологическая разведка в верховьях р. Кашкадарьи // История материальной культуры Узбекис-тана. Вып. 7.1966.

- 26.Кабанов С.К. Айтугдытепе // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 9. 1972.
- 27.Кабанов С.К. Археологические данные по истории Нахшеба в III – V вв. // Вестник древней истории. – 1956. – № 2.
- 28.Кабанов С.К. Археологические памятники зоны Чимкурган-ского водохранилища // Известия АН УзССР. – 1957. – № 2.
- 29.Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшеба. – Ташкент: Узбекистан, 1988.
- 30.Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III – VI вв. (По материалам исследований в зоне Чимкурганского водохранилища). – Ташкент: Фан, 1981.
- 31.Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III – VII вв. н. э.). – Ташкент: Фан, 1977.
- 32.Кабанов С.К. Нахшебские монеты // Вестник древней истории. – 1961. – № 1.
- 33.Кабанов С.К. Остатки древних поселений на берегу р. Кашка-дарьи // Известия АН УзССР. – 1958. – № 2.
- 34.Кабанов С.К. Погребение воина в долине Кашкадарьи // Советская археология. – 1963.
- 35.Кабанов С.К. Раскопки сельского поселения III – V вв. н.э. близ Карши // Советская археология. – 1978. – № 1.
- 36.Кабанов С.К. Руины здания времени кушан близ Карши // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 10. 1973.
- 37.Кабанов С.К. Согдийские здание V в. н.э. в долине Кашкадарьи // Советская археология. – 1958. – № 3.
- 38.Кочнев Б.Д. Исследования средневекового Несефа // Археологические открытия 1974. – Москва: Наука, 1975.
- 39.Кочнев Б.Д. Раскопки и разведки в Каршинском оазисе // Археологические открытия 1976 года. – Москва: Наука, 1977.
- 40.Кочнев Б.Д. Раскопки Таллисортепе в Каршинском оазисе //

- Археологические открытия 1977. – Москва: Наука, 1978.
41. Кочнев Б.Д., Рузанов В.Д. Раннесредневековое резное дерево из Таллисортепе // Общественные науки в Узбекистане. – 1973. – № 4. –
42. Крашенинникова Н.И. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции // Археологические открытия 1968 года. – Москва: Наука, 1969.
43. Литвинов Б.Н. Карши // Туркестанские ведомости. 1910, 25 мая; 26 мая; 27 мая.
44. Лунин Б.В. Историография и источниковедение в Узбекистане: состояние и задачи // Общественные науки в Узбекистане. – 1981, – № 2.
45. Лунина С.Б. Древние города в долине Кашкадарьи. – Ташкент: Узбекистан, 1988.
46. Лунина С.Б., Столярова Н.П., Усманова З.И. Кашкадарьинская экспедиция // Археологические открытия 1971 года. – Москва: Наука, 1972.
47. Лушпенко О.Н. Изучение поселений раннежелезного века в Шуробсайском оазисе // Сб. науч. тр. ТашГУ. История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековья. – Ташкент, 1988.
48. Массон В.М. К локализации Согда // Труды САГУ. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1950.
49. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из раб. КАТЭ. 1965 – 1966 гг.). – Ташкент: Фан, 1973.
50. Нефедов Н.Ю. Жилая застройка Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 18. 1983.
51. Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Сбор. тез. докл. Междунар. конф., посвящ. 2700-летию г. Карши. – Ташкент: Фан, 2007.
52. Сагдуллаев А.С. К вопросу о второй столице Согдианы // Советская

- археология. - 1988. - № 4.
53. Сагдуллаев А.С., Низаев П. Разведки в Кашкадарьинской области // Археологические открытия 1975 года. – Москва: Наука, 1976.
54. Ставиский Б.Я. Некоторые вопросы истории и топографии Древнего Согда // Вестник Ленинградского университета. – 1948. – № 3.
55. Сулаймонов Р. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари.- Т.: Маънавият, 2004
56. Сулейманов Р.Х. Открытие древнейшего святилища в долине Кашкадарьи // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Тез. докл. конф., посвященной 60-летию акад. Э.В. Ртвеладзе. – Ташкент, 2002. – С. 110-111.
57. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. – Ташкент: Фан, 2000. Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII-VI вв. до н.э. – VII в. н.э.). – Нукус: Каракалпакстан, 1990.
58. Сулейманов Р.Х. Карши – Насаф – Нахшаб – в системе мировой цивилизации // «Роль города Карши в истории мировой цивилизации». Тез. докл. Международной конф., посв. 2700-летию г. Карши. – Т., 2006.
59. Сулейманов Р.Х., Глантз М., Шраубер А., Хугес П. Результаты предварительного изучения памятников мустьерского времени в долине Кашкадарьи // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. – Ташкент, 2003..
60. Сулейманов Р.Х., Исамиддинов М.Х., Нефедов Н.Ю., Туребеков М. Основные итоги раскопок на Еркургане // Археологические открытия 1976 года. – Москва: Наука, 1977.
61. Сулейманов Р.Х., Исамиддинов М.Х., Сабиров К., Нефедов Н.Ю. Раскопки на городище Еркурган // Археологические открытия 1974 года. – Москва: Наука, 1975.
62. Сулейманов Р.Х., Исхаков М., Туребеков М., Нефедов Н.Ю. Раскопки

- на городище Еркурган // Археологические открытия 1975 года. – Москва: Наука, 1976.
63. Сулейманов Р.Х., Исхаков М., Туребеков М., Нефедов Н.Ю. Раскопки городища Еркурган // Археологические открытия 1977 года. – Москва: Наука, 1978.
64. Туребеков М. Раскопки бастиона внутренней крепостной стены Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 16. 1981.
65. Туребеков М. Цитадель Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. 1982. Вып. 17. Т. 1965.
66. Эшов Б. "Шаҳар" тарихий тушунчасини англаш ва уни ишлаб чиқишдаги илмий-услубий ёндошувлар // Ozbekiston tarixi. -2003.-№3.- Б.59.
67. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" ги Қарори // Халқ сўзи. 1998 йил, 27 июнь.
68. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» ги Қарори // Халқ сўзи. 2004 йил, 29 сентябр.
69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори // Халқ сўзи. 2005 йил, 26 июл.
70. Хасанов М. Античные сельские поселения Южного Согда: Автореф. дис... канд. истор. наук. – Самарканд, 1990.
71. Шакед С. Раннее упоминание о городе Нахшаб // «Роль города Карши в истории мировой цивилизации». Тез. докл. Международной конф., посв. 2700-летию г. Карши. – Т., 2006.
72. Shaked Sh. Le satrle de Bactriane etson gouverzneuz/ Documents aramtcus du IV s. avant notze ere provenant de Bactriane. Paris, 2003.

